

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ”**

**йўналиши**

**“ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО  
МУҲОФАЗАСИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: Фавкулудда вазиятлар вазирлиги Фукаро муҳофазаси  
институти п.ф.н., Хусанова С.И.

Тақризчи: ТДТУ, Хабибуллаев С.Ш.

**Ўқув -услугий мажмуа ТДТУ илмий-услугий кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| I. Ишчи дастур .....  | 4  |
| II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари..... | 14 |
| III. Назарий материаллар .....  | 21 |
| IV. Амалий машғулот материаллари.....                                 | 68 |
| V. Кейслар банки .....  | 71 |
| VI. Мустақил таълим мавзулари.....                                    | 75 |
| VII. Глоссарий.....   | 76 |
| VIII. Адабиётлар рўйхати .....  | 81 |

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ўқув режасининг “Умуммутахассислик фанлари” блокига тегишли бўлиб, «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув модулининг мақсад ва вазифалари асосида тайёрланган. Ўқув-услубий мажмуада модул мазмунини янги ахборот ва педагогик технологиялар асосида ёритишга хизмат қилувчи барча маълумотлар ўз ифодасини топган.

**“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг мақсади:**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси модули бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

**“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг вазифалари:**

➤ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари билан таништириш;

➤ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш;

➤ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга оид кўникмаларни шакллантириш.

## **МОДУЛ БЎЙИЧА БИЛИМЛАР, КЎНИКМАЛАР, МАЛАКАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

### **МОДУЛНИНГ ЎҚУВ РЕЖАДАГИ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ ВА УЗВИЙЛИГИ**

Модул мазмуни ўқув режадаги барча блоклар ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳаси муаммо ва вазифаларини педагогик жараёнга татбиқ этиш масалаларини ҳал этишга, шунингдек, соҳадаги янги техника ва технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

### **МОДУЛИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ**

Таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, илмий-техник тараққиётнинг тезда ўсиши “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг олий таълимдаги ўрнида ҳам акс этмоқда.

Модул “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда инновацион технологияларни яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва таълим сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради. Дунё миқёсидаги объектив қонуниятларга асосланган ва ривожланаётган хавфлар, фавқулодда вазиятларнинг ҳуқуқий асослари, техноген турдаги фавқулодда вазиятлар уларнинг ўзига хослиги, инсонлар ҳаёти ва соғлигига таъсир эҳтимоли, фуқароларни ҳаёти, атроф табиий муҳитга таҳдид солувчи муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, фуқароларни муҳофазасини таъминлашга қаратилган зарур амалий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалари, ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланишни ўзлаштириш ва ўқув–тарбия жараёнида қўллаш ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.



**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулини ўзлаштириш орқали қуйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

**Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш;
- режалаштиришга қўйиладиган талабларни;
- терроризм тушунчаси, унинг салбий иллатлари ва амалга ошириш усулларини;
- халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатларни;
- террористик ҳаракатларга қарши Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий база асослари ва жаҳон миқёсидаги унинг иштирокини;

-қутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг моҳиятини;  
-техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари бўйича **билимларга эга бўлишлари лозим.**

**Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш;  
-фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш;  
-терроризм салбий иллатлари ва амалга ошириш усуллари;  
-халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатлар;  
-қутқарув ва бирламчи тиклов ишлари;  
-ҳар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услублари;  
-техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари;  
-муҳофаза тадбирларининг иқтисодий йўналишлари;  
-аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳуқуқий меъёрий манбаларини назарий билиши, амалий таҳлил қилиши ва тадбиқ эта олиш;  
-гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган объектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар бўйича керакли **қўникма** ҳосил қиладилар.

**Тингловчи:**

-фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш;  
-халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатлар;  
-қутқарув ва бирламчи тиклов ишлари;  
-ҳар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услублари;  
-техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари;  
-гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган объектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш **малакаларини** эгаллаши зарур.

**Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш ва фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ва “Меҳнат муҳофазаси” ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳаси муаммо ва вазифаларини педагогик жараёнга татбиқ этиш масалаларини ҳал этишга, шунингдек, соҳадаги янги техника ва технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, илмий-техник тараққиётнинг тезда ўсиши “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг олий таълимдаги ўрнида ҳам акс этмоқда.

Модул “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда инновацион технологияларни яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва таълим сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради. Замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ўзлаштириш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

### Модул бўйича соатлар тақсимои

| №           | Модул мавзулари   | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат |           |                 |          |  |          |                 |
|-------------|---|-----------------------------------|-----------|-----------------|----------|--|----------|-----------------|
|             |   | Аудитория ўқув юкламаси           |           |                 |          |  |          |                 |
|             |   | Ҳаммаси                           | Жами      | Жумладан:       |          |  |          | Мустақил таълим |
| Назарий     | Амалий машғулот   |                                   |           | Тажриба алмашиш | Кўчма    |  |          |                 |
| 1           | Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси                                  | 2                                 | 2         | 2               |          |  |          |                 |
| 2           | ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш  | 4                                 | 4         | 2               | 2        |  |          |                 |
| 3           | Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг иқтисодий йўналишлари ва хорижий мамлакатлар тажрибаси             | 4                                 | 4         | 2               |          |  | 2        |                 |
| 4           | Халқаро терроризмнинг салбий оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни                      | 2                                 | 2         | 2               |          |  |          |                 |
| 5           | Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари                        | 6                                 | 4         |                 | 2        |  | 2        | 2               |
| 6           | фавқулодда вазиятларнинг таснифи: табиий, техноге, экологик фавқулодда вазиятлар, уларни олдини олиш чоралари | 6                                 | 4         | 2               |          |  | 2        | 2               |
| 7           | Муҳандислик техник тадбирларини ташкил этиш   | 6                                 | 6         | 2               | 2        |  | 2        |                 |
| <b>Жами</b> |   | <b>30</b>                         | <b>26</b> | <b>12</b>       | <b>6</b> |  | <b>8</b> | <b>4</b>        |

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| №  | Баҳолаш турлари          | Максимал балл | Баллар   |
|----|--------------------------|---------------|----------|
| 1. | Мустақил иш топшириқлари | 2.5           | 1.0 балл |
| 2. | Тест                     |               | 1.5 балл |

Тушунча тахлилий  
 АРІ қисқармасини  
 изоҳланг...

Амалий кўникма  
 Андроид платформасида  
 яратилган кўникма  
 инструментал дастури

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Воситаларни йиқитиб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Бу интерфаол метод танқидий, тахлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, тахлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони тахлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича тахлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан тахлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### Топширик:

Кўйида келтирилган топширик вариантлари бўйича табиий офат сабабларини, оқибатларини ва унга қарши чора – тадбирларни Республикамизнинг қайси ҳудудларида ва қачон кузатилганини келтиринг ва уларни график шакл (балиқ скелети)да ифодаланг. Сабаб ва оқибатлар дарахтини қуринг.

| Фавкулотда<br>вазият турлари | Вазифалар |          |          |          |          |          |          |          |          |          |
|------------------------------|-----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
|                              | 1,20      | 2,19     | 3,18     | 4,17     | 5,16     | 6,15     | 7,14     | 8,13     | 9,12     | 10,11    |
| <b>Табий тусдаги</b>         |           |          |          |          |          |          |          |          |          |          |
| Сел(жала)                    | <b>X</b>  |          |          |          |          |          |          |          |          |          |
| Кўчки                        |           | <b>X</b> |          |          |          |          |          |          |          | <b>X</b> |
| Зилзила                      |           |          | <b>X</b> |          |          |          |          |          | <b>X</b> |          |
| Тошқин                       |           |          |          | <b>X</b> |          |          |          | <b>X</b> |          |          |
| Сурилиш                      |           |          |          |          | <b>X</b> |          | <b>X</b> |          |          |          |
| Қор кўчиши                   |           |          |          |          |          | <b>X</b> |          |          |          |          |

### Топшириқни бажариш намунаси

| Фавкулотда<br>вазият<br>турлари | Фавкулода<br>вазият сабаби  | Фавкулотда<br>вазият<br>оқибати  | Фавкулотда<br>вазият<br>га қарши чора-<br>тадбирлар  |
|---------------------------------|---|--|--|
| Жала                            | Куннинг исиб кетиши, ҳароратнинг кўтарилиши, об-хавонинг кўтарилиши, об-хавонинг кескин ўзгариши. | Тошқинларнинг пайдо бўлиши, селнинг юзага келиши, бино ва иншоотларнинг сув остида қолиши, одамларнинг холакати, моддий зарар. | Suv omborlarini qurish, metereologik stantsiyalar bilan doimiy aloqada bo‘lish, irrigatsiya tizimlarini tozalash, odamlarni ogohlantirish. |

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни   |
|---|--|
| <b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш   | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>                        |
| <b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>  |
| <b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>                                   |
| <b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul> |

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна.**

**Фикр:** хавфларни ўрганишда хавф-сабаб-оқибат тушунчалари бир-бири билан боғлиқликда бўлади.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Демак,

**Хавф**

**Сабаб**

**Оқибат**

Мана шу учта тушунчалар кўнгилсиз ходисанинг асосий кўрсаткичларихисобланади. Кўнгилсиз ходисанинг оқибатлари турлари кўринишда бўлади. Масалан:



Мисолда оқибатга ҳаво транспортини яроқсиз ҳолга келиши, одамларнинг турли даражада жароҳат олиши, ўлим бўлиши, ёнғин чиқиши, портлаш юз бериши, бузилишлар, атроф-муҳитни зарарланиши ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар киради.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **“МУЛОҚОТ” технологияси.**

Ушбу технология талабаларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин баён этишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот талабаларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ўтказилади.

**Технологиянинг қўлланиши:** амалий, лабаратория, факультатив машғулотларда ва дарсдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланилиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат кўйида ўтказилиши мумкин.

### **“ЧАРХПАЛАК” ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Ушбу технология талабаларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талим олувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Мазкур технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни талабалар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот

жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

### **Машғулотни ўтказиш тартиби:**

- гуруҳ аъзоларини (шароитга қараб) гуруҳларга ажратиш;
- гуруҳни машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништириш;
- тарқатма материалларни гуруҳ аъзоларига тарқатиш;
- гуруҳ аъзолари томонидан якка ҳолда мустақил равишда тарқатма материаллардаги вазифалар бажарилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалнинг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизиб қўяди;
- вазифа бажарилган тарқатма материаллар бошқа гуруҳларга “чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади;
- янги гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гуруҳлараро алмаштирилади(ушбу жараён гуруҳлар сонига қараб давом эттирилади);
- материалларни охириги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлдирилган материалларни (гуруҳ рақами ва ўзлари қўйган белгилари асосида) танлаб оладилар;
- ҳар бир гуруҳ аъзосининг ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гуруҳ аъзоларининг тузатишларини таққослайдилар ва таҳлил қиладилар;
- ўқитувчининг тарқатма материалда берилган вазифаларини ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобларни белгилайди;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар фарқларини аниқлайдилар, керакли бални тўплайдилар ва ўз-ўзини баҳолайдилар.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** таълим олувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради. **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**Фавқулодда вазиятларнинг эгаллаган майдонига кўра турлари» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

| Талофат кўламига нисбатан кетма-кетлиги | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси |
|---|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Маҳаллий миқёсида                       |           |           |             |              |              |
| Республика миқёсида                     |           |           |             |              |              |
| Локал                                   |           |           |             |              |              |
| Трансчегаравий                          |           |           |             |              |              |

**«Фавқулодда вазиятларда талофат олган кишини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби кетма-кетлигини ифодалаб ўзингизни текшириб кўринг!**

| Белгиланган тартиб бўйича кетма-кетлигини | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси |
|---|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Сезги аъзоларини текшириш                 |           |           |             |              |              |
| Нутқини текшириш                          |           |           |             |              |              |
| Қон томирлари бутунлигини текшириш        |           |           |             |              |              |
| Оғиз бўшлиғини текшириш                   |           |           |             |              |              |
| Нафас олишини текшириш                    |           |           |             |              |              |

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси**

**Режа:**

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси.

2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлар.

**Таянч сўзлар:** жамият, тараққиёт, иммунитет, иншоот, радиация, маъмурий жавобгарлик, терроризм, муҳофаза, табиий, техноген, талофат, фуқаро, муносабат, хавф-хатар.

Олий Мажлис томонидан янги асрда аҳолининг хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

1999 йил 20 августда қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиши ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиши, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириши ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча даражадаги органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва усуллари аниқланиб, мустаҳкамлаб қўйилган.

“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини оғишмай амалга ошириши, ҳақиқий хавф-хатар манбаларини ва уларнинг табиатини англаб етиши ҳар бир кишига ўзини юз бериши мумкин бўлган авария, ҳалокат, табиий офатлардан муҳофаза қилинганини сезиши имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 26 майда қабул қилинган “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонун “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонундан фарқли ўлароқ ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши даври масалаларига бағишланган. Ушбу қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилайди.

Қонунда фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириши учун зарур хизматлар ва кучлар, тузилмаларнинг таркибини аниқлаб беради.

18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар баъзи ҳолларни мустасно қилган ҳолда фуқаро муҳофазаси тузилмалари таркибига қабул қилинадилар ва қидирув ишларини олиб бориши, тиббий ёрдам кўрсатиши, ёнғинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, жамоат тартибини сақлаш каби тузилмалар таркибида ҳаракат қиладилар.

Маълумки, республикада мавжуд бўлган гидротехник иншоотларда авария, ҳалокат юз бергудек бўлса, аҳоли ва ҳудудларимизга маълум миқдорда хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида қабул қилинган қонунлардан яна бири “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” деб номланди.

Қонун 15 моддадан иборат. Ушбу қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойihalаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни реконструкция қилиш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда гидротехника иншоотлари, фойдаланувчи ташкилот, фавқулодда вазият, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, хавфсизлик декларацияси, хавфсизлик мезонлари, гидротехника иншооти авария хавфининг йўл қўйиладиган даражаси каби тушунчаларга таъриф берилган. Бундан ташқари қонунда Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари кўрсатиб берилган, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назорати ҳақида сўз юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 31 августда қабул қилинган қонунлар орасида “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонун алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Фавқулодда вазиятлар ичида ўзининг келтирадиган кулфатлари билан радиациявий авариялар алоҳида ажралиб туради. Бошқа турдаги фавқулодда вазиятларнинг инсон соғлиғига келтирадиган зиёни тезда кўзга кўринмайди. Шунинг учун ушбу қонун аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади.

Охирги вақтларда юзага келган айрим вазиятлар республикамиз ҳудудида террористик актлар ҳам содир бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Республикамиз ҳукумати аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун 2000 йил 15 декабрда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” махсус қонунини қабул қилди.

Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари этиб шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш, деб белгиланди.

Қонун “Умумий қоидалар”, “Давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари”, “Террорчиликка қарши операциянинг ўтказилиши”, “Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси” ҳамда “Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси” деб номланувчи 5 бўлимдан иборат бўлиб, 31 моддани ўз ичига олади.

Терроризмга қарши курашни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда

Фавқулудда вазиятлар вазирлиги амалга оширади (8-модда). Жумладан, Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг фавқулудда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим, тоифаланган ва бошқа объектлар барқарор ишлашини, шунингдек террорчилик оқибатларини тугатиш юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тадбирлар ўтказиши; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади (14-модда).

2006 йил 28 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Саноат хавфсизлиги шахс ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларига портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар; тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар; муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар; инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган; 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан, кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлар (тоғ темир йўллари)дан фойдаланиладиган; қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган; кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

Хавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштириш (13-модда), фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш (14-модда), саноат хавфсизлиги экспертизаси (15-модда), саноат хавфсизлиги декларацияси (19-модда) масалалари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонуни (2008 йил 26 декабрь) 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди (1-модда).

Қонуннинг 1-боби «Умумий қоидалар» деб номланиб, 6 моддани ўз ичига олади. Уларда асосий тушунчалар, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари, асосий вазифалари ва қутқарув ишларининг турлари келтирилган. «Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари» деб номланган 2-боб (7-15-моддалар) қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ташкил этиш, сафини тўлдириш, аттестациядан ўтказиш, фаолияти, фаолиятни молиялаштириш масалаларини ёритади.

3-боб – Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишдаги иштироки – қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш (16-модда), фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш (17-модда) ва қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига ўз фаолиятини амалга оширишида кўмаклашиш (18-модда).

Қутқарувчилар ва уларнинг мақоми 4-бобда кўрилган. Унда қутқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг иш вақти (хизматни ўташ) режими, меҳнатга ҳақ тўлаш, уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари қандай бўлиши каби саволларга жавоб топиш мумкин. 28-31-моддаларни ўз ичига олган 5-боб «Яқунловчи қоидалар» деб номланади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2009 йил 15 декабрда қабул қилинган. Унга мувофиқ кодекс 204<sup>1</sup> ва 249<sup>1</sup>-моддалар билан тўлдирилган:

204<sup>1</sup>-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик.

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш этиш –мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

249<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари.

Ушбу кодекснинг 204<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида таённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида (2010 йил 17 сентябрь) – 2 та модда. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 2, 8, 9 ва 22-моддаларига ўзгартишлар киритилган.

Республикамиз ҳукумати томонидан аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча раҳбар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганки, улар ўз навбатида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни ойдинлаштириб беришга қаратилгандир. Бу ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисидаги Низом ва унинг тузилмаси тўғрисида сўз юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазаси, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ишларга раҳбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштириб бориш ишларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган барча фавқулодда вазиятлар келиб чиқиш характери ва ўлчамларига кўра таснифлаб берилган.

Фавқулодда вазиятлар характери ва кўра уч турга - табиий, техноген ва экологик фавқулодда вазиятлар ва ўлчамига кўра тўртга - локал, маҳаллий, республика ва трансчегара фавқулодда вазиятларга бўлинади.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимида кадрлар тайёрларлиги масаласи муҳим ўрин тутди.

Аҳолини ва раҳбарлар таркибини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга

тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сонли қарорида баён қилиб берилган. Ўқитиш меъёрлари Фавқулодда вазиятлар вазирининг ҳар ўқув йилига қабул қиладиган ташкилий кўрсатмаларида аниқлаб берилади.

Қарорда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналарда муассасаларда ва ташкилотларда, шунингдек яшаш жойида уларнинг ёшлари ва ижтимоий гуруҳлари бўйича ўтказилиши лозим. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтган фуқароларимиз муҳофазаланишнинг қоидалари ва асосий усулларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини, жамоа ва яқка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари зарур.

Раҳбар ходимлар эса фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат қилишга тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишлари лозим.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш соҳасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бир нечта вазирликлар - Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда фаолият кўрсатиши лозим. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар аҳоли ўртасида кенг ташвиқот қилиниши лозим. Ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши, ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрланиши талаб этилади.

Тайёргарлик ишларини олиб боришни самарали ташкил этиш мақсадида ҳар бир ўқув йилига Республика фуқаро муҳофазаси бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ташкилий кўрсатмалари қабул қилинади.

Маълумки, ҳар йили сел, тошқин, ўпирилиш ва кўчкилар туфайли юзага келадиган фавқулодда вазиятлар катта вайронагарчиликларга сабаб бўлади, республика халқ хўжалигига жиддий зарар етказилади, баъзан эса одамларнинг ўлимига сабаб бўлади.

2007 йил 19 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-585-сонли қарори бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни белгилаб беради.

Қарор билан хавfli гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Низомда Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси, вазирликлар ва идораларнинг вазифалари аниқланган. Хусусан, «Ўзгидромет» ва Ўздавгеолқўм ҳар йили 20 февралга қадар Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси, ФВВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимиятларига хавfli гидрометеорологик ва геологик хавfli жараёнлар фаоллашаётган майдонлар, бу ерларда

жойлашган аҳоли манзилгоҳлари, вақтинча ёки доимий кўчирилиши лозим бўлган хўжаликлар рўйхатини, шунингдек аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш учун ўтказилиши лозим бўлган муҳандислик-техник тадбирлари тўғрисида таклифларни тақдим этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрда қабул қилинган 271-сонли қарори «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳақида» деб номланади. Унга тўртта Низом ва концепция илова қилинган:

1-илова. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисида Низом.

2-илова. Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими тўғрисида Низом.

3-илова. Ўзбекистон Республикасида путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси.

4-илова. Хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида Низом.

5-илова. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида Низом.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 январдаги 2-сонли «Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорикутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини жалб қилиш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни белгилайди.

Қарорда шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш штабининг функциялари, фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган қутқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, жалб қилинган куч ва воситаларни моддий ва молиявий таъминлаш, қутқарув ишларини тўхтатиш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сонли “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қарор аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш масалаларини тартибга солиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги 208-сонли “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

Дастурнинг асосий вазифалари:

аҳолининг барча қатламларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш;

аҳолини ўқитиш билан қамраб олишни кенгайтириш;

кўнгилли қутқарув дружиналарини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш;

зилзила оқибатларининг сейсмик хавфи даражасини камайтириш;

аҳолига юзага келаётган сейсмик вазиятни баҳолаш кўникмаларини сингдириш ва зилзила пайтида мутаносиб тарзда ҳаракат қилиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 242-сонли “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ФВДТ бошқарув органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органларини, фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган бошқа ташкилотларнинг куч ва воситаларини бирлаштиради ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар юзага келганда аҳоли хавфсизлигини, атроф табiiй муҳитни муҳофаза қилишни ҳамда тинчлик ва ҳарбий даврда давлат иқтисодиётига зарарни камайтиришни таъминлашга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири-Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 26.12.2008 йилдаги 3-сонли «Вазирлик ва идоралар ўртасида фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича кундалик ўзаро ҳамкорлик ва ахборот бериш йўриқномасини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида»ги буйруғида фавқулодда вазиятларни рўйхатга олиш тартиби, ахборотни ижро этиш ва бериш тартиби, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотнинг мезонлари келтирилган. Иловада фавқулодда вазият таҳдиди, фавқулодда вазиятнинг параметрлари, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш тадбирлари, авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар, фавқулодда вазиятни бартараф этиш учун жалб қилинган куч ва воситалар тўғрисидаги ахборотни бериш шакллари кўрсатилган.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар талабларини чуқур билмасдан туриб фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир раҳбар ходим, ҳар бир фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис бу ҳужжатларни билиб, ўрганибгина қолмай, зарур бўлган вазиятларда улардан келиб чиқадиган талабларни амалда қўллаш билиши ҳам лозимдир.

### Назорат саволлари:

1. “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарори билан белгилаб берилган?

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ким?

3. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига кимлар қабул қилинади?

4. Фавқулодда вазият деб нимага айтилади?

5. Фуқаро муҳофазаси бўйича буйруқ, қарор ва топшириқлар бериш кимнинг ваколатига киради?

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкил этилиши қайси қарор мувофиқ амалга оширилган?

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012 й, 40 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 й, 31-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

а) Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида. 1999 йил 20 август;

б) Фуқаро муҳофазаси тўғрисида. 2000 йил 26 май;

в) Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида. 1999 йил 19 август;

г) Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида. 1999 йил 20 август;

д) Радиациявий хавфсизлик тўғрисида. 2000 йил 31 август;

е) Терроризмга қарши кураш тўғрисида. 2000 йил 15 декабрь;

ё) Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида. 2006 йил 28 сентябрь;

ж) Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида. 2008 йил 26 декабрь;

з) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида. 2009 йил 15 декабрь;

и) «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида. 2010 йил 17 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида (2007 йил 19 февраль, ПҚ-585-сонли).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида (1996 йил 11 апрель, 143-сонли);

б) Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида (1998 йил 7 октябрь, 427-сонли);

в) Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида (1998 йил 27 октябрь, 455-сонли);

г) Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (2003 йил 13 январь, 15-сонли);

д) «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида (2008 йил 10 декабрь, 271-сонли);

е) Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида (2010 йил 5 январь, 2-сонли);

ё) Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2011 йил 8 июль, 202-сонли);

ж) Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида (2011 йил 19 июль, 208-сонли).

з) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида (2011 йил 24 август, 242-сонли);

6. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири-Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 26.12.2008 йилдаги 3-сонли буйруғи: «Вазирлик ва идоралар ўртасида фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича кундалик ўзаро ҳамкорлик ва ахборот бериш йўриқномасини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида».

7. ЎР ФВВ ФМИда ишлаб чиқилган давлат стандартлари.

## **2-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

### **Режа:**

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режалари, уларнинг ишлаб чиқилиши ва мазмунига қўйиладиган асосий талаблар.

2. Тинчлик давридаги табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф қилиш ҳаракатлари режасининг тузилиши, бўлимлари ва иловаларнинг мазмуни.

**Таянч сўзлар:** тадбир, режа, меъёр, табиий, техноген, фуқаро муҳофазаси, иқтисодиёт объектлари, қонун, аниқ, реал, бошқарув органлари, ташкилотлар, вазифа, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, бартараф этиш.

Фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар ва таалуқли меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти. Бу борада мутахассислик фан ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонунларини амалда ишлаши ҳамда фуқаро муҳофазасининг асосий вазифаларини бажарилишини таъминлаш, фуқаро муҳофазаси (ФМ) режаси ва унинг мукамаллиги билан узвий боғлиқ.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режаси- бу қўйилган вазифаларни мувоффақиятли бажарилишига ёрдам бериши керак бўлган муҳофаза тадбирларининг олдиндан ишлаб чиқилган, асосланган, моддий таъминланган мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 8- моддасига асосан, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги (ФВВ)дир.

11-моддаси "Қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг ФВ муҳофаза қилиш" соҳасидаги мажбуриятларида қорхона ва ташкилотларда ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни ФВдан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштириш, молиялашлари ва амалга оширишлари шартлиги таъкидланган. Бу шуни билдирадики барча иқтисодиёт объектларида аҳолини ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирлари олдиндан режалаштирилган бўлиши керак. Режаларни мукамал ишлаб чиқиш орқали ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган қонун ва қарорларда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш мумкин.

ФВВ тўғрисидаги Низомнинг 4-моддасига асосан Фавқулодда вазиятлар (ФВ)ларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва манавий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек, тинчлик ва уруш вақтида ФВ вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Низомнинг 5-моддасига асосан эса ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ: ФВВ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ФВ олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ташкил этади, Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) фаолиятига раҳбарликни амалга оширади,

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига белгиланган тартибда тақдим этади дейилган. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига биноан, ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларининг жанговорлик ҳамда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди дейилган.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни режалаштириш- ФМни бошқариш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми. У тинчлик ва уруш даврлари шароитларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо беришдан, уруш вақтида аҳолини муҳофаза қилиш ва иқтисодиёт объектлари ва тармоқларининг чидамлигини ошириш юзасидан ФМ тадбирларини белгилашдан, авария-қутқариш ишларини ўтказишга куч ва воситаларни тайёрлашдан, улар фаолиятини ва бошқарув органларини ҳар томонлама таъминлашдан иборатдир. Бу тадбирлар бажарилиши учун керакли ресурслар ажратилади, амалга ошириш кетма-кетлиги, муддатлари, усуллари белгиланади ҳамда ФМ тадбирларини ўтказиш учун масъул кишилар тайинланади. Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар. Фуқаро муҳофазасининг тадбирлари ҳудудларнинг иқтисодий, табиий хусусиятларини, географик жойлашган ўрни ҳамда ФВ хавфи қанчалик аниқлигини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан режалаштирилади ва амалга оширилади.

ФМ нинг режаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- 1) Тўлиқ, мукамал ишланган бўлиши;
- 2) Мазмуни қисқа ва лўнда бўлиши;
- 3) Вақт ҳар томонлама қатъий ҳисобга олинishi;
- 4) Аниқ ва реал бажариладиган бўлиши;
- 5) Иқтисодий томондан мақбул бўлиши керак.

Режанинг мукамал тўлиқ ишланганлиги - аҳоли ва моддий бойликларни муҳофаза қилинишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқилишини ва унинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун режада бажариладиган аниқ тадбирлар, уларнинг мазмуни, шакли, муддатлари ва бошқарувчилари кўрсатилади.

Режа мазмуни қисқа бўлишлиги - режадаги тадбирлардан фойдаланиш осон бўлиши учун қилинади. Бунинг учун ҳамма бажариладиган тадбирлар график-схемалар тарзда амалга оширилади. Бунда схема-харитада объектлар, бажариладиган вазифалар ва уларнинг ҳажми шартли белгилар билан тасвирланади. Тушунтиришлар, жадваллар, схемалар, графиклар, суръатли белгилар тушунтириш хатлари орқали берилади.

Вақтни ҳар томонлама қатъий ҳисобга олинishi - режалаштирилган ҳар бир тадбирни тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

Режа аниқ ва реал бўлиши - режанинг бажарилиш даражасини характерлайди. Бунинг учун фалокат ва ҳалокат маълумотлари тўлиқ

ўрганилади. Жумладан: вайроналиклар, талофот даражаси, моддий зарарлар миқёси олдиндан башоратланади, унинг оқибатларини йўқотиш учун керакли ФМнинг куч ва воситалари ҳисоблаб чиқилади.

Иқтисодий мақбуллик - ҳар қандай ФВда (тинчлик даврда ҳам, ҳарбий даврда ҳам) муҳофазаланиш иншоотларидан фойдаланишни ҳисобга олишдир.

ФМ режаси 4 та босқичли ишлардан ташкил топади:

1) биринчи босқичда режани тузишда иштирок этувчиларнинг таркиби, уларнинг малакаси аниқланади, улар тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатлар ўрганилади, тўпланган маълумотлар умумлаштирилади ва календар режа ишлаб чиқилади;

2) иккинчи босқичда режа амалда ишлаб чиқилади ва унинг ҳужжатлари тузилади;

3) учинчи босқичда бажариладиган ҳамма тадбирлар бир-бирига мослаштирилади, зарурат бўлса тuzатилади ва тасдиқланади;

4) тўртинчи босқичда ҳамма режалаштирилган тадбирлар, тасдиқлангандан кейин (тасдиқланган режа) тегишли ижрочиларга етказилади.

ФМ режасини ишлаб чиқиш бевосита ФМ бошлиғига юклатилади, режа тадбирларини ишлаб чиқишда ФМ бўйича штатли ходимлар ишлари билан шуғунланувчи ҳайъат, ФМ тизимлари, эвакуатсия комиссияси ва иқтисодиёт тармоқларини етакчи мутахассислари иштирок этадилар.

**Фуқаро муҳофазаси режасини ишлаб чиқишда керакли маълумотлар.** ФМ режасини ва унинг иловаларини ишлаб чиқиш учун ФМ нинг юқори ташкилотлари ва бўлимларидан қуйидаги маълумотлар олиниши керак:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг фуқаро муҳофазасига оид қарор ва кўрсатмалари;

2) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг низомлари, кўрсатмалари ва тавсиялари;

3) Иқтисодиёт тармоғи юқори органларининг кўрсатмалари ва тавсиялари;

4) Фуқаро муҳофазаси тизимларини, ундаги одамлар сони ҳамда аҳолини ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш имкониятлари хусусидаги маълумотлар;

5) Бошпаналарнинг сони, уларнинг одамларни қабул қилиш имкониятлари, ҳамда бошқа бошпаналар қуриш имкониятлари;

6) Обектнинг хусусияти, унинг муҳофаза ва иқтисодий имконияти;

7) Тоифаланган шаҳарларга ФВ да ёрдам бериш имкониятлари;

8) Тоифаланган шаҳар иқтисодиёт тармоғларининг рўйхатлари:

а) ФВ да ўз ишини давом эттирадиган объектлар;

б) эвакуация қилинадиган объектлар.

9) Юқори хавфли ҳамда тасарруфида кимёвий, портлаш-ёнғин хавфи бор объектлар, КТЗМ ва заҳарли моддалар ташиладиган темир йўл магистраллари, аэропортлар ва бошқа объектлар рўйхати.

10) Хавфли ҳудудлардаги аҳоли пунктлари ҳақидаги маълумотлар.

11) ФМ вазифаларини бажарилишига таъсир этадиган маҳаллий, хусусиятли маълумотлар (ҳудуднинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити);

12) Фавқулодда вазиятлардан чиқариладиган хулосалар.

ФМ режасини тузишда Республикада фаолият кўрсатаётган барча тармоқ ва корхоналар ўз маълумотлари билан бир-бирларини таъминлашлари керак. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорида таъкидлаб ўтилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Ўзсаноатконтехназорат» давлат кўмитаси, Фанлар Академияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинд компанияси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва «Бошгидромет» бошқармаси Фавқулодда Вазиятлар вазирлигининг ҳудудлар, объектлардаги табиий иқлим, экологик, эпидемиологик, эпизоотик, эпифитотик, геологик ва техноген вазиятлар ҳамда уларнинг истикболдаги ўзгариш эҳтимоллари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида, мунтазам равишда таъминлашлари лозим деб таъкидланган.

ФМ режаларини ишлаб чиқишда ва бажаришда ФМ кучларига катта эътибор берилади. Масалан, авария-қутқариш ишларини режалаштиришда қуйидаги тартибдаги вазифалар белгиланади:

а) шикастланган ўчоқларни ва офат жойларини разведка қилиш, қидирув-қутқарув ишлари комплексини ўтказиш;

б) аҳолини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ва иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш тадбирлари;

в) зарарланган аҳолини ҳаёт фаолиятини ташкил қилиш, ҳалок бўлганларни ҳисобга олиш ва кўмиш, ярадорларни касалхонага ётқизиш;

г) карантин-обсервация, санитар-гигиеник, эпидемияга қарши тадбирлар;

д) маҳаллий органлар билан ҳамкорлик қилиш.

Аҳолини, моддий-маданий бойликларни эвакуация қилиш тадбирларни режалаштиришда:

- Шикастланган ҳудудлардан транспорт ёки пиёда олиб чиқиладиган аҳолининг сонини;

- Зарур бўладиган транспорт сонини;

- Одамларнинг транспортда олиб чиқиш тартиби;

- Қимматбаҳо ускуналар, моддий бойликлар, озиқ-овқатларни олиб чиқиш тартиби;

- Хом-ашёлар, ўғитлар ва бошқа керакли моддий ресурсларни хавфли ҳудудлардан олиб чиқиш тартиблари;

- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини хавфли ҳудуддан хавфсиз ҳудудга узоқлаштириш тартиб қоидалари ва бошқа вазифалар белгиланади.

Фуқаро муҳофазасини бошқа тадбирларини режалаштиришда ҳам муайян тартибдаги вазифалар белгиланади. Албатта, буларда ҳар бир қилинадиган амал тадбирнинг моҳиятидан, хусусиятидан ва имкониятлардан келиб чиқиб, режа тадбирлари белгиланади. Ҳар бир ҳолат учун тузилган ФМ режалари ФВВ га тақдим этилиши зарур. Мабодо тузилган режаларга ўзгартиришлар киритиш керак бўлса, йилнинг биринчи чораги давомида киритилади. Режа икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси объектнинг бошқариш пунктида, иккинчиси юқори ташкилотларда сақланади.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш ФВ натижасида юзага келиши эҳтимоли бўлган шароитни олдиндан илмий башоратлашга, ФМ тараққиётида эришилган даражага, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг аҳволи ва истиқболларига таянган бўлиши керак.

Режалаштиришдан асосий мақсад ФВ юзага келган ҳолда, шунингдек табиий офатлар, йирик авария ва ҳалокатлар оқибатларини тугатишда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишдан иборат.

### **Назорат саволлар:**

1. Фуқаро муҳофазаси режаси нима мақсадда тузилади?
2. Фуқаро муҳофазаси режаларини қайси ташкилотлар тасдиқлайди?
3. Фуқаро муҳофазаси режаларига қандай талаблар қўйилади?
4. Режани тузиш босқичлари қандай?
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорида нималар таъкидланган?
6. Нима учун режага тузатишлар киритилади?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012 й, 40 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 й, 31-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:
  - а) Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида. 1999 йил 20 август;
  - б) Фуқаро муҳофазаси тўғрисида. 2000 йил 26 май;
  - в) Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида. 1999 йил 19 август;
  - г) Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида. 1999 йил 20 август;
  - д) Радиациявий хавфсизлик тўғрисида. 2000 йил 31 август;
  - е) Терроризмга қарши кураш тўғрисида. 2000 йил 15 декабрь;

- ё) Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида. 2006 йил 28 сентябрь;
- ж) Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида. 2008 йил 26 декабрь;
- з) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида. 2009 йил 15 декабрь;
- и) «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида. 2010 йил 17 сентябрь.

#### 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида (2007 йил 19 февраль, ПҚ-585-сонли).

#### 10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

- а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида (1996 йил 11 апрель, 143-сонли);
- б) Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида (1998 йил 7 октябрь, 427-сонли);
- в) Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида (1998 йил 27 октябрь, 455-сонли);
- г) Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (2003 йил 13 январь, 15-сонли);
- д) «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида (2008 йил 10 декабрь, 271-сонли);
- е) Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида (2010 йил 5 январь, 2-сонли);
- ё) Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2011 йил 8 июль, 202-сонли);
- ж) Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида (2011 йил 19 июль, 208-сонли).
- з) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида (2011 йил 24 август, 242-сонли);

6. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири-Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 26.12.2008 йилдаги 3-сонли буйруғи: «Вазирлик ва идоралар ўртасида фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича кундалик ўзаро ҳамкорлик ва ахборот бериш йўриқномасини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида».

#### 8. ЎР ФВВ ФМИда ишлаб чиқилган давлат стандартлари.

### **Мавзу 3. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг иқтисодий йўналишлари ва хорижий мамлакатлар тажрибаси**

#### **Режа:**

1. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини иқтисодий-ижтимоий баҳолаш.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунларида фавқулодда вазиятлардан муҳофазаси қилиш тадбирларини молиявий-иқтисодий бошқаришни тартибга солувчи қоидалари, етакчи хорижий мамлакатлар тажрибаси.

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт, ривожланиш, авария хавфи, ҳалокат, лицензиялаш, хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий зарар, механизм, баҳолаш.

Илмий техникавий тараққиётнинг жадал ривожланиши, меҳнат маҳсулдорлигини ортиши ва меҳнат шароити яхшиланишига, жамиятимиз моддий фаровонлиги ва интеллектуал имконияти ўсишига ёрдам берибгина қолмай, балки ктта техник тизимлар аварияси хавфи кўпайишига ҳам олиб келди.

Бу, биринчи галда, машиналар миқдори ва мураккаблигини ортиши, саноат ва энергетика объектларида агрегатларнинг қувватлари ўсиши, уларнинг ҳудудий концентрацияси кўпайиши билан белгиланади. Шунинг билан бирга аҳоли сони ва зичлиги ортишининг прогрессивлаша бориши ҳамда бунинг оқибатида табиатга антропоген таъсирнинг фаоллаша бориши табиий-техноген ҳалокатлар миқдори кўпайиб кетишига олиб келди.

Охирги йилларда дунёда содир бўлган фавқулодда вазиятларни таҳлилига кўра техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар табиийга нисбатан бир неча марта ошганлигини кўрсатди.

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан кўриладиган зарарни камайтириш учун уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олиш тадбирларини амалга ошириш зарур.

Бу тадбирлар фавқулодда вазиятларни олдини олиш, улар миқдорини камайтириш авария ва ҳалокат оқибатларини енгиллаштириш фаолиятига қаратилиши керак.

Хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳар қандай фаолият аввало катъий ҳуқуқий асосга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1999 йил 20 августда ҳамда “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги 2000 йил 26 майда қабул қилинган Қонунларида Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни молиявий-иқтисодий бошқаришни тартибга солувчи қоидалари берилган.

Фуқаро муҳофазасининг иқтисодий асослари – табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилишда биринчи галдаги вазифалар ҳал этилиши демадик. Бу фавқулодда

вазиятлар юзага келиши хавфнинг рационал даражасига эришиш имконини берадиган иқтисодий рағбатлантириш ёки тартибга солиш, шунингдек бундай вазиятларни олдини олиш, уларнинг бартараф этилиши ва оқибатларини тугатилиши юзасидан самарали ҳаракатлар ташкил этилиши умумий меъёрлари ва қоидалари ўрнатилишидан иборат.

Жаҳон тажрибаси иқтисодий механизм ишлаб туришига асос қилиб олинган муайян тамойиллар бор.

Ривожланган хорижий мамлакатларда бу соҳага нисбатан иқтисодий таъсир кўрсатишнинг бутун бир тизими (суғурта, лицензиялаш, декларациялаш фаолияти, мақсадли фондлар тузиш, солиқ солишда, кредит беришда иложи борича имтиёзлар бериш, жарималарни енгиллатиш) бор.

Хорижий тажриба кўрсатишича, иқтисодий мақбуллик кўпинча технологик хавфсизликни оширишга, корхоналарнинг ўзи ҳам, давлат органлари ҳам керакли чоралар кўришига даъват этувчи сабаб бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда глобал ва минтақавий фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, маҳаллий бюджет маблағлари камлик қилса, фавқулодда вазиятларни тугатишга (Вазирлар Маҳкамасининг, вазирлик ва идораларнинг) резерв фонддан, айрим ҳолларда эса маҳаллий фондлардан маблағ ажратилади. Кўшимча маблағ ресурсларига бўлган эҳтиёжни ижройи ҳокимият органлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари иштирокида белгилайди.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда турли бюджет ва фондларга маблағ тушишининг энг муҳим манбаи иқтисодий масъулият механизми, яъни хавфсизлик меъёрларини бажармаганлик учун (бундай қоидабузарлик ёмон оқибатларга олиб келмаган тақдирда ҳам) ёки хизмат кўрсатувчи ходимларга ва аҳоли ҳаётига ва саломатлигига, иқтисодиёт объектларига, атроф табиий муҳитгава умуман мамлакат миллий бойлигига, қачон содир бўлганидан қатъий назар, етказилган зарар учун корхоналар ва мансабдор шахсларга қатъий жазолар бериш ҳисобланади.

Бу механизмнинг асосини шу масъулиятни белгилайдиган ва корхона фаолиятига фавқулодда вазиятни олдини олиш ва унга барҳам бериш нуқтаи назаридан ҳар томонлама баҳо беришни таъминлайдиган меъёрнинг яхлит тизими ташкил этади.

Фавқулодда вазиятларни олдини олишни ёки уларнинг зарарли оқибатларини ёнгиллаштиришни давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятли умумий меъёр ва қоидалар ўрнатилишини ва уларга риоя қилинишини назарда тутаяди.

### 1-жадвал. Фуқаро муҳофазасидаги муаммолар

| Босқичлар, факторлар                   | Хавфни баҳолаш  | Олдини олиш                             | Мониторинг (назорат)   | Огоҳлантириш   | Масъулият  |
|--|---|---|--|--|--|
| <b>Инсон фактори</b>                   | Инсониятнинг мавжуд ишонч-эътиқодларига ва кадриятларига зид маълумотни қабул қилишдаги чекловлар   |   | Огоҳ бўлмай қолиш муаммолари: инсонларининг жисмоний, психологик чекланганлари ёки мулоқот учун технологик чекловлар. (аҳамият бермаслик, ускуна хотирасидаги узилиш, маълумотлар кўпайиб кетиши.....) |  | Офат пайтида қарор қабул қилишда муаммо туфайли стресс (шок) ҳолати тушиш              |
| <b>Технологик факторлар</b>            | Хавф ҳақидаги маълумотни эгаллаш учун имкони бўлган барча технологик янгиликлардан фойдаланмаслик   | Аниқлаш тизимини ўтказиб юбориш. (хато) |  | Аниқловчи ва хавф остидаги аҳоли ўртасидаги алоқани ёмонлиги | Автоматик жавоб қайтариш тизими йўқлиги. (масалан, газни бураб ўчириш ... пуркагичлар) |
|  | Ўта кучли технологик боғлиқлик  |   |  |  |  |
| <b>Тарихий факторлар</b>               | Янги хавфни аниқлашда тарихий аналогларга мажбурий эргашиш  |   | Нотўғри когнетив маълумотлар нотўғри диагнозга олиб бориши ва шу туфайли нотўғри ҳаракат қилиш ёки ҳаракатни кечиктириш  |  |  |
| <b>Хавфсизлик маданияти факторлари</b> | <p>Хавфсизлик ҳавотирларини кўтаришни хоҳламаслик ва ҳалокат, офатларданолинган сабоқлардан ўрганиш. (жазодан кўркиш, мавке йўқотишдан, иқтисодий сарф-ҳаражатлардан) ...</p> <p>Ташқаридан келган текширувчиларни кўймаслик, улар билан хавфсизликка боғлиқ ахборотларни ўртоқлашмаслик, аҳолига бу маълумотларни етказмаслик.</p> <p>Юз ўгиришнинг нормаллашуви фактори, хавфсизлик муаммосига барҳам беришади, чунки офат дастлабки 1-2 дақиқада</p> |   |  |  |  |

|                                      |  |   |  |   |
|--------------------------------------|--|---|--|---|
|                                      | кучли бўлмайди.  |   |  |   |
| <b>Ташкилий ва юридик факторлар</b>  | Олдиндан огоҳлантириш тизимини нотўғри қонунлаштириш, ёмон бошқариш ва идоралараро тизим (мисол учун қарор қабул қилиш ёки амалиётни ҳисобот қилиш), Сезилмай қолган хавф-ёки самарасиз чоралар, мониторинг, огоҳлантириш ва жавоб қилиш, ноаниқ қарор қилиш тизими. Ташкилий рақобат, ташкилотлар ичида ўзаро алоқалар ва координатсиянинг носозлиги ва ўта “яқин” ташкилотлар нотўғри қилинган ташкилотлар аро тизим, масалан: ўта марказлашган ёки марказлашмаган ўта қаттиқ, мослашувчанликка имкон берувчи, ташкилотининг тушунарсизлиги, ноаниқликка олиб борган, масъулиятдан қочиш ва х.к. Олдинги офатлар ва вазиятлардаги сабоқларининг етишмаслиги, етарли ўрганилмаганлиги такрорий хатоларга олиб бориши. |   |  |   |
|                                      |  | Кечиккан ёки ўтказиб юборилган олдини олиш чоралари |  | Огоҳлантириши учун ноаниқ топширик бериш. |
| <b>Сиёсий ва иқтисодий факторлар</b> | Миллий аҳамиятга эга агентликларни самарасиз координатсиялаш учун сиёсий вадаларнинг етишмаслиги, юридик қонунлар (чекловлар) ва давомий молиялаштиришга.  |   |  |   |
|                                      | Нейтрал қирғоқдан фойда олиш ҳисоб-китоблар қилиш қийинлиги қайта тиклашга жуда оз эътибор бериш, омма ва хусусий ҳамкорлик муаммолари.  |   |  |   |
| <b>Халқаро факторлар</b>             | Халқаро ҳамкорликни етишмаслиги ёки координатсияланмаганлиги, стандартлар келишилмагани, ҳамкорлик қилиш ёки ёрдам кўрсатишга сиёсий хоҳишнинг етишмаслиги.  |   |  |   |
| <b>Маданий ва ижтимоий факторлар</b> | Хавф-хатардаги билимнинг пастлиги, хавфли ҳаракатлар ёки хавфга ўта чидамлик. Ижтимоий капиталнинг етишмаслиги ва фуқаролик жамиятининг ўзини-ўзи бошқаруви даражаси пастлиги  |   |  |   |

## Назорат саволлари:

1. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон Республикаси қайси қонунларида фуқаро муҳофазаси тадбирларини молиявий-иқтисодий бошқаришни тартибга солувчи қоидалари кўрсатилган?
3. Иқтисод тушунчасига таъриф беринг
4. Лицензия атамасига таъриф беринг.
5. Фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини олдиндан ижтимоий-иқтисодий баҳолаш нималарга асосланиб амалга оширилади?

## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012 й, 40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 й, 31-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:
  - а) Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида. 1999 йил 20 август;
  - б) Фуқаро муҳофазаси тўғрисида. 2000 йил 26 май;
  - г) Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида. 1999 йил 20 август;
  - д) Радиациявий хавфсизлик тўғрисида. 2000 йил 31 август;
  - е) Терроризмга қарши кураш тўғрисида. 2000 йил 15 декабрь;
  - ё) Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида. 2006 йил 28 сентябрь;
- з) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида. 2009 йил 15 декабрь;
- и) «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида. 2010 йил 17 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
  - а) Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида (2007 йил 19 февраль, ПҚ-585-сонли).
  - б) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида (1996 йил 11 апрель, 143-сонли);
  - в) Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида (1998 йил 7 октябрь, 427-сонли);

г) Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулдда вазиятларнинг таснифи тўғрисида (1998 йил 27 октябр, 455-сонли);

д) Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (2003 йил 13 январь, 15-сонли);

е) «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида (2008 йил 10 декабрь, 271-сонли);

ж) Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулдда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида (2011 йил 19 июль, 208-сонли).

з) Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида (2011 йил 24 август, 242-сонли);

#### **4-мавзу: Халқаро терроризмнинг салбий оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни**

##### **Режа:**

1. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш усуллари ва воситалари.
2. Халқаро терроризм ва унга қарши кураш.
3. Террористик ҳаракатларга қарши Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий база асослари ва жаҳон миқёсидаги унинг иштироки.

**Таянч сўз ва иборалар:** Терроризм, халқаро терроризм, террористик ҳаракатлар, иллат, дахшатли воқеалар, инсоният тақдири, уюшган гуруҳли терроризм, тадбирлар, режалаштириш, фуқаро муҳофазаси, террорчилик ташкилоти, террорчиликка қарши операция ўтказилган зона, аниқ, реал, тоифа, объект.

Терроризм, унинг оқибатлари ҳозирги кунда дунё тўқнаш келаётган асосий ва энг хавфли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат у ёки бу даражада ривожланган мамлакатларга ҳам, ўз ислохотлари ёки тараққиёти босқичларини босиб ўтаётган мамлакатларга ҳам тааллуқлидир.

Дунёнинг етакчи мамлакатлари вакиллари ушбу муаммони муҳокама қилиш ва аксилтеррорчиликнинг халқаро механизмларини яратиш учун мунтазам равишда йиғилиб туришади. Ушбу учрашувлар давомида қандай кўринишда бўлмасин терроризмни молиявий ва бошқа томонлардан қўллаб-қувватлаш йўлидаги ҳаракатларга чек қўйиш тўғрисида келишувларга эришилди. Бугунги кунда терроризм муаммолари билан давлат ва жамоат ташкилотларининг кенг тармоғи шуғулланмоқда. Кўплаб анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ўтказила бошланди. АҚШда «Терроризм» номли журнал чоп этилмоқда.

Ҳозирги кунда терроризм – жинойтчилик фаолиятининг энг хавфли шаклларида биридир. Бир қатор ривожланган мамлакатларнинг қонунларида ва халқаро ҳужжатларда (масалан, 1977 йил 27 январдаги Европа Терроризмга

қарши кураш конвенциясида) ҳам у келиб чиқиш сабаби, мақсадидан қатъий назар жиноят деб таснифланади.

Террорчилик ҳаракатлари одатда, ўқ отар қуролларни қўллаш, ёнғин ва портлашларни келтириб чиқариш, одамларни гаровга олиш, кимёвий, радиоактив моддаларни, биологик ёки бактериологик воситаларни қўллаш, ишлаб чиқариш аварияларини келтириб чиқариш, транспорт воситаларини йўқ қилиб ташлаш ёки олиб қочиш, турли миш-мишларни тарқатиш ва бошқа йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Террорчилик ҳаракатлари юзага келишига сабаб жамият, давлат ва дунёдаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлик, миллий-диний қарама-қаршилик, одамлар моддий аҳволининг ночорлашиб қолиши, ишсизлик, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашнинг самарали ташкил этилмаганлиги бўлиши мумкин.

#### Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситалар

|                   |               |                       |                        |                      |                        |                   |   |
|-------------------|---------------|-----------------------|------------------------|----------------------|------------------------|-------------------|---|
| Совук<br>Қуроллар | отар қуроллар | Портловчи<br>моддалар | Захарловчи<br>моддалар | Биологик<br>агентлар | Радиоактив<br>моддалар | Ядро<br>зарядлари | Электромагнит<br>импульси<br>тарқатувчи-<br>лар |
|-------------------|---------------|-----------------------|------------------------|----------------------|------------------------|-------------------|---|

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун энг кўп тарқалган воситалар одамлар ўлимига олиб келувчи ёки анчагина катта моддий зарар келтирадиган портлатиш қурилмалари, шунингдек алоқанинг турли каналлари (почта, кўпроқ телефон) ҳисобланади. Улар орқали жиноятчилар зўравонлик ёки жисмоний ўч олиш таҳдидларини юборадилар. Портловчи қурилмаларни қўллаш билан боғлиқ хавфли ҳаракатлар аҳолига салбий маънавий-руҳий таъсир кўрсатади, одамларда ўз ҳаётлари учун асосланган қўрқув уйғотади, аҳоли манзилгоҳлари, туманлар ва бутун бошли мамлакатларда шароитни беқарорлаштириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ республикада терроризмга қарши кураш қонунийлик, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги, терроризмга қарши кураш ошқора ва ноошқора чоралари уйғунлиги, жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик тамойиллари асосида олиб борилади.

Кўплаб мамлакатларнинг мутахассислари терроризм билан кураш мураккаб характерга эга бўлиб, давлат ва жамиятдан максимум куч талаб этади. Унга барча: ҳокимият органлари ҳам, қуролли кучлар ҳам, аҳоли ҳам ташкилий тадбирларнинг, техника ва бошқа воситаларнинг барча арсеналидан фойдаланган ҳолда тайёргарлик кўриши лозим. Эҳтимолий террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашда Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари иштирок этади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

**Халқаро терроризм ва унинг салбий иллатлари.** **Халқаро терроризм** - бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризмдир. Бу одамларнинг беҳуда ҳалок бўлишига олиб келувчи, давлатлар ва уларни расмий вакилларининг осойишта дипломатик фаолиятини бузувчи ҳамда халқаро алоқалар ва учрашувларни, шунингдек, давлатлар ўртасида транспорт ва бошқа алоқаларни амалга оширишни қийинлаштирувчи халқаро миқёсдаги ижтимоий хавфли ҳаракат ва қилмишлар йиғиндисидир. Халқаро терроризм XX асрнинг 60-70 йилларига келиб ўзини яққол намоён қилди: дастлаб турли давлатлардаги жиноятчилар, ўз давлатига нисбатан экстремистик руҳдаги гуруҳлар бирлашиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган ва кам ривожланган мамлакатларда ҳаракат кўрсата бошлади. Халқаро террорчилар айрим давлатларнинг раҳбарларига, халқаро миқёсда обрўга эга бўлган сийасатчиларга четдан туриб суюқасд уюштириш, давлат, транспорт, алоқа ва миллий хавфсизлик тизимини ишдан чиқарувчи портлашлар ва ҳаракатлар содир этиш, транспорт воситалари, жумладан самолётларни олиб қочиш билан шуғуллана бошладилар. 80 йилларга келиб халқаро терроризм янада жиддий тус олди.

Халқаро терроризм ўзининг ёвуз ниятларини турли террористик ҳаракатлари билан амалга оширади. Жумладан:

- мустақил давлатлар чегарасини бузиш орқали амалга ошириш;
- диний экстремистик гуруҳлар томонидан содир этиш;
- экстремистик гуруҳлар таркибида қўпоровчилик ҳаракатлари бўйича ҳорижлик ёлланган кишиларнинг қатнашиши;
- экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган маҳсус лагерларда тайёргарлик кўриш;
- қўпоровчилик содир этишда, ҳорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамида халқаро тус олган ноқонуний қурол - яроқ савдоси ва нарқобиснесдан келадиган манбалардан фойдаланиш.

Булардан кўринадики, халқаро террорчилар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортди. Террорчилар кўлига ядровий, кимёвий, биологик ва замонавий хужумкор қуролларнинг тушиб қолиш хавфи кучайди, бундай ҳолат жаҳон жамоатчилигини қаттиқ ташвишлантириб қўйди.

1977 йилда катта "еттилик" давлатлари раҳбарларининг Бонн (ГФР) шаҳридаги учрашувида халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида баёнот қабул қилинди. Халқаро терроризмнинг ошиб бораётган хавфи ва унга қарши

кураш масалалари олий даражадаги кейинги барча учрашувларнинг асосий мавзуси бўлиб келди. Чунки халқаро терроризм бир тизимга бирлашиб ҳаракат қила бошлади.

Улар сафида турли давлат, миллат вакиллари, диний экстремистик руҳдаги шахслар, наркобизнес ва қурол - яроқ савдосидан фойда кўрувчи жиноий тўдалар, ёлланиб ҳизмат қилувчилар пайбо бўлди. Халқаро террорчилик ва экстремистик марказида разил жиноятчиларни тайёрлайдиган махсус лагерлар очилди. Халқаро террорчилар аҳолини, хусусан, диндорлар ва ёшларни давлатга, давлат ташкилотларига қарши қўйишга ҳамда ҳокимиятга қарши муқолифатни шакллантиришга ҳаракат қилди.

### **Терроризмни олдини олиш ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг ўрни**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъият билан курашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқаро терроризм кўринишларига қаратилган кўплаб халқаро битимларнинг: "Ҳаво кемаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаб олишга қарши курашиш тўғрисида"ги 1970 йилда Гаага конвенциясининг; "Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши кураш тўғрисида"ги 1971 йилдаги Монреал Конвенциясининг; "Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, масалан дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида"ги 1973 йилдаги конвенциясининг; "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги ва бошқа конвенцияларнинг иштирокчиси ҳисобланади. 2004 йилдан бери Тошкентда Шанхай ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) нинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси фаолият кўрсата бошлади.

Марказий Осиё давлатлари учун халқаро терроризмнинг хавфи 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990 - 1996 йилларда тожикистондаги фуқаролик уруши ва можаролар давомида, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида, 1999-2001 йилларда Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сурхандарё ва Тошкент вилоятларида, 2004 йилнинг март - апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларида, 2004 йилнинг 11- 13 май куни Андижон вилоятида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари мисолида ўзини намоён этди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси халқаро терроризмнинг умумбашарий миқёсдаги хавфи эканлигидан жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда унга қарши курашиш лозимлигини жаҳоннинг нуфузли минбарларида эълон қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеясининг 48 сессиясида қилган маърузасида жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чақирди. Кейинчалик 1998 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган "6+2" гуруҳини БМТ раҳбарлиги остида 1998-1999 йилларда олиб

борилган фаолият Афғонистон террорчиликка қарши курашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу гуруҳ Афғонистон билан чегарадош 6 давлат: Хитой, Ўзбекистон, Покистон, эрон, Тожикистон, Туркменистон ва минтақа ташқарисидан таъсир кўрсатиб турган икки давлат АҚШ ва Россия вакилларида ташкил топган эди.

Юртбошимизнинг 1999 йилда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) Истанбулда бўлиб ўтган саммитда 2000 йилнинг 7-8 сентябр кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ бош ассамблеясининг "Мингйиллик Саммити"да, БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифига ҳамоҳанг тарзда 2001 йилнинг 28 сентябрда БМТ доирасида терроризмга қарши кураш кўмитаси тузилди. Шундай келишувлик асосида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро терроризмга қарши кураш борасида АҚШ харбий ҳаво кучларининг транспорт ва верталётларига Афғонистонда қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик ёрдамни амалга ошириш учун ҳаво ҳудуди (Хонабод тумани) очиб берилиб, терроризмга қарши вақтинчалик фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсатининг мақсади минтақада глобал миқёсда тинчлик, барқарорликни сақлаш, мамлакат мустақиллиги ва равнақи, халқнинг эркин фаровон ҳаётини таъминлашдир. Республикамиз ҳукумати тамонидан терроризмга қарши қаратилган коплаб халқаро шартномалардан ҳозиргача БМТнинг 12 та, Европа Кенгаши доирасида эса 7 та халқаро шартномалари имзоланди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши курашдаги иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам намоён болмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Марказий Осиё ҳамкорлиги Ташкилоти (МОҲТ) ва бошқалар. Ўзбекистоннинг бундай ташкилотлардаги иштироки, ташаббуси, глобал ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда давлатимизнинг тутган ўрни муҳим эканлигини тасдиқлайди.

Терроризмга қарши курашда 2000 йилда "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида терроризмга қарши курашнинг асосий тамойиллари аниқ корсатиб берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- шахс қонунлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги;
- жазонинг муқаррарлиги;
- терроризмга қарши курашнинг ошкора ва ноошкора усулларининг устиворлиги;
- жалб этиладиган кучлар ва воситалар тамонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операциясига раҳбарлик қилишда яккабошчилик.

Терроризмни олдини олишда давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари билан биргаликда

профилактик чора-тадбирлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Бу ҳаракатларда қуйидагилар таъқиқланади:

- терроризмни таъқиб қилиш;
- террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларни фаолият кўрсатиши;
- террорчилик фаолиятига дахлдор бўлган юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари ва ваколатхоналарини аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши;
- террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги болмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши;
- тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фикрларни яшириш.

Ушбу қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида қуйидаги давлат органлари терроризмга қарши курашни амалга оширади: жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Ҳизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги, Давлат Божхона қўмитаси, Мудофаа ва Фавқулодда Фазиятлар Вазирликлари қиради.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятини олидини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади. Бунда иштирок этадиган ҳар бир давлат органларининг вакиллари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Демак, террористик ҳаракатлар ва улар олиб келиши мумкин бўлган оқибатларнинг олидини олиш учун сергак бўлиш, атроф-муҳитга эътибор билан қараш муҳим аҳамият касб этади. Мободо шубҳали буюмлар аниқланса уларга тегмаслик, жойидан қўзғатмаслик, кўтармаслик, ичини очмаслик лозим. Зудлик билан тегишли органларга ҳабар бериш керак. Булардан маълумки, қарши курашда ҳар бир жамият аъзоси огоҳ бўлиши, унга қарши курашда дахлдорлик ҳиссини шакллантириши зарур.

### **Назорат саволлари**

1. Терроризм ва террорчилик ҳаракатлари қандай тушунчалар?
2. Терроризмнинг қандай турлари мавжуд?
3. Терроризмнинг салбий иллатлари нималардан иборат?
4. Халқаро терроризмнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги” қонуннинг моҳиятини тушинтириб беринг?
6. Ўзбекистон Республикасининг халқаро терроризмга қарши олиб бораётган хавфсизлик сиёсатлари нималардан иборат?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. A. Mark , P. Friend James Fundamentals of Occupational Safety and Health. Bernan Press. Германия, 2007 PP-249-250

2. Christer Pursiainen (ed.) assisted by Per Francke. Early Warning and Civil Protection. NORDREGIO 2008

3. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й)., «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонунлар.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455- сон қарорлар.

5. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув қўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

6. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик (лотин имлосида) -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

7. Нигматов И. Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги хавфсизлик сиёсатида Ўзбекистоннинг тутган ўрни. Монография. Т., ТошДТУ, 2015. - 87 б.

8. Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

9. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

### **Интернет маълумотлари:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3.Аxborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4.Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7.[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10.[www.cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

## 5-мавзу: Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларнинг ташкилий асослари.

### Режа:

1. Қутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг мазмун- моҳияти.
2. Экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
3. «Ҳалокатлар тиббиёти» хизматининг ташкил этилиши ва унинг вазифалари.

**Таянч сўз ва иборалар:** Объектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўллари разведка қилиш, ёнғинларни ўчириш ва тўсиш, заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва қутқариш, шикастланган, бузилган ва заҳарланган ҳимоя иншоотларидаги фуқароларни қутқариш, ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган ҳимоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш, шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни тиббий шохобчаларига элтиб қўйиш, хавфли ҳудуддаги фуқароларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш.

Маълумки, душман томонидан қўлланиладиган умумий қирғин қуролларининг оқибатлари турли хил даражада бўлади. Албатта, талофот даражаси ишлатилган қурол турига, унинг қўлланилиш миқёсига боғлиқ. Мана шунда ядровий, кимёвий, биологик ва комбинацияланган шикастланиш ўчоқларида қутқарув ва тиклаш ишларини (ҚБТИ) амалга ошириш жуда мураккаб аҳволда рўй беради, сабаби бундай пайтда ҳамма иншоотлар деярли шикастланган, ёнган, йиқилган, сув босган, атмосфера ҳамда барча ерлар заҳарланган ва шунга ўхшаш бошқа нохуш ҳолатлар кузатилган бўлади.

Худди шунга ўхшаш ҳолатлар тинчлик даврида ҳам (табiiй офатлар, ишлаб чиқариш авариялари, фожиалар оқибатида) кузатилиши мумкин. Шу сабабдан фуқаролар муҳофазасининг энг асосий вазифаларидан бири, ҳарбий ҳолатларда ва тинчлик даврларидаги фавқулодда вазиятларда умумий шикастланган ўчоқлардаги ҚБТИ ни амалга ошириш ҳисобланади.

Шикастланган ўчоқларда ҚБТИни олиб боришдан мақсад, фуқароларни қутқариш ва зарарланган одамларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишларини амалга оширишда ҳалақит берадиган аварияларни тўсиш, шикастланган жойларни тиклаш ишларини амалга оширишга зарур бўлган минимал шароитни яратиш ва бошқа вазифаларини бажариш кўзда тутилади.

Умумий қирғин қуроллари қўлланилганда қуйидаги қутқарув ишлари бажарилади:

- Объектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўллари разведка

қилиш;

- Шикастланган объектларга ҳаракат қилишда, ёнғинларни ўчириш ва тўсиш;
- Заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва қутқариш;
- Шикастланган, бузилган ва заҳарланган ҳимоя иншоотларидаги фуқароларни қутқариш;
- Ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган ҳимоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш;
- Шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни тиббий шохобчаларига элтиб қўйиш;
- Хавфли ҳудуддаги фуқароларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш;
- Одамларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, уй ҳайвонларга ветеринар қайта ишлов бериш, техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, хом-ашё, сув ва ем-хашакларни дезактивация ва дегазация қилиш;

Бошқа бирламчи тиклов ишларига қуйидагилар киради:

- шикастланган ҳудудлардаги (заҳарланган, йиқилган, бузилган иншоотлар) йўлларни тозалаш;
- қутқарув ишларини олиб боришда газли, электрли, сувли, канализация ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ишлари;
- шикастланган иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- алоқа ва коммунал-энергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш ва тиклаш ишлари;
- турли хилдаги портловчи қисмларни, портловчи аслаҳаларни топиш, зарарсизлантириш ва йўқотиш ишлари;

ҚБТИ ишлари куну тун, доимий равишда, ҳар қандай табиий шароитда олиб борилади.

Умумий қирғин қуролларининг шикастланиш ўчоғида ҚБТИни олиб бориш учун, тинчлик давридаёқ туман фуқаролар муҳофазасининг бошлиғи қарори билан фуқаро муҳофазаси кучларининг ҳаракат қилиш режалари тузилади.

Ҳаракатланувчан кучлар таркибига шаҳар, туман фуқаролар муҳофазасининг ҳудудий, ишлаб чиқариш тамойилига кўра тузилган тизимлари ҳамда ҳарбийлашган фуқаро муҳофазаси қисмлари киради. Бу кучлар асосан биринчи ва иккинчи эшелондан ва қўшимча қисмлардан ташкил топади. Эшелонлар таркибига кирувчи тузилмалар узлуксиз фаолият кўрсатиш учун улар сменаларга бўлиниб ишлаб чиқариш тамойилига асосланган бўлади.

Биринчи эшелонда асосан фуқаролар муҳофазаси ҳарбий қисмлари, корхонанинг объектли тузилмалари ва маълум қисмдаги ҳудудий тузилмалари ҳаракатланади. Бунда фуқаролар муҳофазасининг ҳарбий қисмлари ва ҳудудий тизимлари асосан шаҳар, туман фуқаролар муҳофазаси режасига

асосан иқтисодий тармоқларининг энг муҳим объектларида ҚБТИ ишларини бажарадилар.

Иккинчи эшелон тизимлари асосан биринчи эшелон тизимлари кучини ошириш ҳамда фаолият кўрсата олмайдиган тизимлар ўрнини эгаллаш мақсадида ҳаракатланади. Объектнинг фуқаролар муҳофазасини ҳаракатланувчан кучлари асосан умумий отряди, қутқарув отряди ҳамда ишларни бажарувчи тизимлардан ташкил топган.

Фуқаролар муҳофазасининг техника воситалари ҳамда кучлари шикастланган ҳудудга жуда қисқа вақтда кириши, ҚБТИ ишларини муваффақиятли бажариши, замонавий техникадан унумли фойдаланиши, иш жараёнида қўл остидаги кучларни, тизимларни алмаштириб туриши ва бошқа ишларни бажариши лозим. Албатта, турли хилдаги техникалардан фойдаланмай шикастланган ҳудудда катта кўламдаги ишларни бажариб бўлмайди. Фақатгина механизмлар ёрдамига, жумладан, қурилиш ва йўл машина ва механизмлари, коммунал-техника жиҳозлари ёрдамида, ер остида, бузилган, ёнаётган, газга тўлган иншоотлар ичида қолган, бузилган ҳимоя иншоотлари остида қолган фуқароларни қутқариш ва бошқа ишларни бажариш мумкин.

Бажариладиган ишлар тавсифига қараб механизмларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- босиб қолган ҳимоя иншоотларини очиш, тўсилиб қолган, босиб қолган жойларни очиш ва тозалаш, йўлларни тозалашда ишлатиладиган машина ва механизмлар (экскаваторлар, тракторлар, булдозерлар, кранлар, юк ташувчи машиналар ва бошқалар).

- босиб қолган, чиқиш жойлари тўсилиб қолган иншоотларда тешик очиш учун ишлатиладиган пневматик жиҳозлар (пармалайдиган ва уриб синдирадиган болғалар).

- металлларни кесувчи жиҳозлар.

- сув ҳайдайдиган механизмлар (насослар, сув сепадиган машиналар, ёнғинни ўчирувчи ва бошқалар)

- сув йўллари оқали ташувчи механизмлар (паромлар, трайлер-тягачлар, юк ташувчи прицеplar)

- таъмирловчи ва хизмат қилувчи жиҳозлар (таъмирловчи қисмлар, бензин, сув қуйиш, ёритувчи масканларда ва хизмат кўрсатувчи масканларда қўлланиладиган жиҳоз ва механизмлар).

ҚБТИ ишларини муваффақиятли бажаришда механизм ва машиналардан оқилона фойдаланишдан ташқари, разведка ишларини ўз вақтида ташкил этиб ўтказиши, кўрсатилган муддатда ишончли маълумотларга эга бўлиши, шикастланган ўчоқда бажарилиши лозим бўлган ишларга тузилмаларни жалб этилиши каби ишларни бажаришда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши, тузилма бошлиқларининг шикастланган ўчоқдаги ишларнинг тавсифини олдиндан ўрганиши, коммунал-энергетик ва технологик жараёнларга эътибор бериши, ҳудудда сақланадиган КТЗМ ўрни, ҳимоя иншоотларининг жойи, тавсифномаси ва бошқа вазифаларга катта эътибор бериледи.

ҚБТИ ишлари ўша объектнинг фуқаро муҳофазаси штаби томонидан олдиндан режалаштирилади ва фавқулодда ҳолатда қўл остидаги кучлар, маблағлар, техникалар, бажарадиган иш ҳажми аниқлаштирилади.

### **Қутқарув ва бирламчи тиклаш ишларини шикастланган ўчоқда олиб бориш усуллари.**

Маълумки, ҚБТИни бажариш усуллари ва қоидалари, ўша шикастланган ўчоқда ҳаракатланувчан тузилмаларга ҳалақит берувчи омиллар даражасига қараб танланади. Жумладан, шикастланган иншоотларни тавсифига, коммунал, энергетик ва технологик тармоқлардаги авария даражасига, ўша жойдаги радиоактив ва кимёвий зарарланиш даражаси ҳамда ёнғин миқёсига қараб усуллар танланади. Чунки радиоактив, кимёвий ва биологик шикастланган ўчоқларда шикастланиш ҳар хил даражада ва миқёсда бўлганлигидан ҚБТИ усуллари ҳам ҳар хил тартибда қўлланилади. Масалан, ядровий шикастланган ўчоқда қолган одамларни қутқариш ва бошқа қутқарув ишларини бажариш учун биринчи навбатда, шикастланган иншоотлар, химоя иншоотларига борадиган йўл, йўлакларни очиш ва тозалаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун бир томонлама ҳаракатланувчан йўллар 3-3,5 м кенгликда, икки томонлама ҳаракатланувчан йўллар учун эса 6-6,5 м кенгликда тозаланади ва очилади. Бундай йўлларда ҳар 150-200 м.га 15-20 м узунликдаги разъездлар қўйилади. Йўл ва йўлакларни тозалашда барча механизмлар (бульдозер, кранлар ва бошқалар) билан иш кўрилиб, ёнғинга қарши тузилмалар ҳам биргаликда ҳаракатланиб, ёнаётган иншоотларни ўчиради. Кейин бузилган бинолар, ер остида қолган одамлар ва ёнғинли уйда қолиб кетган фуқароларни қутқариш ҳарбийлашган фуқаро муҳофазаси қисмлари ва тузилмалари томонидан амалга оширилади, бунда ишга яроқли фуқаролар ҳам иштирок этадилар. Бунинг учун дарҳол разведка маълумотларига қараб иншоотларда қолган одамлар билан турли хил услублар орқали алоқа боғланади. Масалан, ҳаво кирадиган тешиклар, девор, эшик, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таққилатиш орқали. Ер остидаги, химоя иншоотларидаги одамларни қутқаришдан олдин унга ҳаво берилади. Бунинг учун ҳаво берувчи тешиклар тозаланади ёки деворлардан тешик ҳосил қилинади.


Бошпаналарини очиш усуллари, унинг тузулишига ва шикастланиш даражасига қараб танланади. Яъни иншоотнинг чидамлилиги, ён томонданми, қўшимча эшик томони очиладими, деворлари тешилиб, йўлакча ҳосил қилинадими ёки бошқа йўллари тайёрланадими, булар ўша иншоотнинг аҳволидан келиб чиққан ҳолда танланади. Кейин шу иншоотлардаги одамлар қутқарилиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Худди шунга ўхшаш ишлар тинчлик даврида ҳам, табиий офатлар, кучли ер силкиниши натижасида ҳам олиб борилади. Масалан, Афғонистон, Мексика, Арманистон, Ҳиндистон ва бошқа ер силкинишларини ёдга олиш мумкин. Бу ерларда ер остида қолган одамларни қутқаришда жуда катта (16 т) юк кўтаргичлари, прожекторлар туну кун ишладилар. Бузилган жойларда

қолган одамлар 2-3 ҳафта давомида қутқарилган ва яшаётган фуқаролар борлиги аниқланган. Масалан, 1985 йил Мексикада бўлган ер силкиниши оқибатида 13 суткагача ҳаробалар остида қолиб кетган 4,5 минг одам қутқарилган. Арманистондаги ер силкинишида эса 5 кундан кейин қутқарилганлар сони 5398 кишини ташкил этган. Бу фалокатда Франция, Англия, АҚШ, Швейцария ва бошқа давлатларнинг қутқарув қисмлари иштирок этдилар ва ўзларининг энг замонавий ускуналари ҳамда бошқа воситалардан фойдаланиши натижасида бир қанча одамларни тирик сақлаб қолганлари маълум.

Юқорида айтиб ўтилган шикастланган ўчоқларда фақатгина қутқарув ишларини бажармасдан, бирламчи аварияни тиклов ишлари ҳам бажариладики, бунда қутқарув ишларига ҳалақит берувчи авариялар ҳамда янги фалокатларни келтириб чиқарувчи авария ва талофотланишларнинг олди олинади. Чунки булар оқибатида фуқаролар кўшимча талофот олишлари мумкин. Бунинг учун сув тармоғи канализацияси, газ, электртармоқларидаги аварияни тузатувчи тузилмалар ҳам жалб қилинади. Албатта, бу ишларга умуммақсадли тузиламлар ҳам жалб этилади. Юқоридаги аварияларнинг олдини олишни асосий йўли бу шикастланган участкаларга сув, газ, электр ва бошқа сабаб бўлиши мумкин бўлган омиллар келишини тўсиш ҳисобланади. Бунда турли хилдаги тўсиш омилларидан фойдаланилади. Масалан, иншоотларнинг деворлари турли хилдаги тирговучлар орқали мустаҳкамланади, бузиладиганлар эса тамоман бузиб ташланади. Чунки бу ишларни қилмасдан туриб, одамларни қутқариш хавфли ҳисобланади.

Жабрланувчининг ҳолатидан келиб чиқиб уни кўчириш усули танланади.



3.1-расм. Жабрланувчилар вайроналарнинг пастки қисмида қолиб кетганда қидирув қутқарув ишларини олиб бориш.

Жабрланувчини вайронадан қутқаришни камида иккита қутқарувчи амалга ошириши зарур. Имкони борича жабрланувчини кўлидан ёки юқори елка қисмидан тортиб чиқарилади.

Агар жабрланувчи йирик ва оғир элемент остида қолиб кетган бўлса, уни домкратлар, юк кўтариш техникаси ёрдамида озод қилинади. Жабрланувчи ерга тақалиб турган бўлса унинг остини қазиб орқали қутқариш мумкин.

Вайроналарда қолиб кетган инсонлар асосан мия чайқалиши, кўл-оёқ синиши каби жароҳатлар оладилар. Баъзи ҳолларда узоқ вақт давомида мушаклар ва ички органларнинг эзилиши – узоқ вақт эзилиш синдроми учрайди. Жароҳатларнинг бу тури тананинг қисилиб қолган қисмида қон айланиши ва модда алмашинувининг тўхтаб қолиши билан характерланади. Бу эса тананинг шу қисмида захарли моддалар ҳосил бўлиши ва тўқималар бузилишига олиб келади. Қисилиб қолган тана қисми халос қилиниб, қон айланиши тиклангандан сўнг организмга кўплаб захарли моддалар (токсинлар) келиб тушади. Бу қисилиб қолган жой майдони ва давомийлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Токсинлар танага тарқалиши билан бирга зарарланган тана қисмларига катта ҳажмда қон плазмаси қуйилиб келади (баъзида 3-4 л). Тана қисмлари шишади, мушаклар шакли бузилади, шишган жойлар катта зичликка эга бўлади, бу эса оғриқни ҳосил қилади. Юқорида айтиб ўтилган токсинлар ва плазманинг қуйилиши организмнинг барча тизимларини ишдан чиқариб, жабрланувчининг қутқарилганидан кейин биринчи дақиқаларда вафоти сабаби бўлиши мумкин.


Зарарланган мушакларда токсинларнинг ҳосил бўлиши билан бирга миоглобин молекулалари ҳам ҳосил бўлади. Улар қон билан буйракка ўтиб, унинг каналчаларини ишдан чиқаради, бу эса буйрак ишдан чиқиши сабабли инсон ўлимига олиб келиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни босилиб қолган тана қисмини озод қилишдан олдин унинг қонига плазмали эритмалар қуйилиши, кўп миқдорда илиқ ичимлик ичириш, тананинг зарарланган қисмларига совуқ нарса бостириш лозим. Озод қилиниши билан тананинг эзилган қисмини таранг қилиб бинт билан ўраш лозим, бу шишиш ва плазма қуйилиши олдини олади. Суяклар синган-синмаганидан қатъий назар шиналар қўйилади, совуқ нарса босилади, оғриқни босувчи дорилар берилади ва зудлик билан “сунъий буйрак” аппарати мавжуд касалхонага олиб борилади.

Қутқарувчи учун эзилиш бошланган вақтни билиш жуда муҳим, чунки, дастлабки икки соат ичида бу жароҳатни даволаш мумкин ва инсон учун хатарсиз. Шу вақт ичида қутқарувчилар иложи борича кўпроқ одамларни озод қилишлари зарур.


Фавқулодда вазият ҳудудида қисман бузилган бино ва иншоотлар қолади. Улар тўсатдан кулаб кетиши мумкинлиги билан хатар туғдиради.

Шар-болға ёрдамида; Тортиш мосламаси (лебедка, трактор, машина) ёрдамида; Портлатиш орқали кулатиш амалга оширилади.



3.2-расм. Шар-болға ёки тортиш мосламаси (трактор, машина) ёрдамида кулатиш.

Кўп бино ва иншоотлар ертўла, кутқарув хоналарига эга бўлиб, у ерда одамлар қолиб кетиши мумкин. Ҳосил бўлган вайроналар одатда чиқиш йўллари тўсиб қўйиб, ҳаво алмашилишига тўсқинлик қилади, одамларнинг мустақил равишда чиқишларига тўсиқ бўлади.



3.3 - расм. Босилиб қолган ертўла ва хоналарда қидирув кутқарув ишларини олиб бориш.

**Кимёвий шикастланган ўчоқда кутқарув ишларини бажариш бирмунча фарқланади.** Бу ҳолатда биринчи навбатда огоҳлантириш белгиси «Кимёвий тревога» берилиб, дарҳол ўша жойга радиация, кимёвий ва тиббий разведка бўлимлари юборилади. Улар шикастланган жойни, вақтни, қўлланилган қурол турини (ёки захарли моддалар - КТЗМ), захарланган ҳудуд

ўлчамини ва уни тарқалиш йўлини аниқлаб берадилар. Мана шуларга асосланиб бундай объектда фуқаролар муҳофазаси бошлиғи қарор қабул қилиб, ўзи қутқарув омилларини ҳамда кимёвий зарарланишни тўсиш омилларини ташкил этади. Бундай ҳолатларда қутқарув ишларига биринчи навбатда санитар дружиначилари, умумий отряд, зарарсизлантириш гуруҳлари ва механизация тузилмалари жалб этилади.

Бунда ҳар бир тизимлар аниқ вазифа ва техникалар, жиҳозлар билан таъминланади. Чунончи:

- Санитар ва қутқарув тузилмаларига иш жойларини, транспорт воситаларини, зарарланган одамларни ўчоқдан олиб чиқиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуацияни ташкил этиш вазифалари;

- Радиацияга қарши (РҚ) ва кимёвий химоя (КТҚ) ҳамда умумий тузилмаларга қутқарув ишларининг жойи, КТЗМ сақланадиган жойлардаги аварияни тўсиш ва захарланган иншоотларни, атроф-муҳитни дегазация қилиш ишлари;

- Зарарсизлантириш гуруҳларига дегазация бажариладиган иш жойлари, объектлари, дегазация қилувчи эритмаларни тайёрлаш ва машиналарни тўлдириш, дегазация ишларини олиб бориш юклатилади;

Кимёвий ўчоқда қутқарув ишларини бажариши лозим бўлган вазифалар олингандан кейин ҳар бир тузилма бошлиқлари ўз қўл остидаги фуқароларни яқка тартибдаги химоя воситалари, антидотлар, ШКП-8 пакети билан таъминлайдилар. Шундан кейин улар разведка, санитар дружина, РҚ ва КТҚ тузилмаларидан кейин иш жойларига бориб, вазифаларини бажаришга киришадилар. Бунда биринчи бўлиб зарарланган одамларга ёрдам кўрсатилади, яъни газниқоб кийдирилади, антидот берилиб, тиббий ёрдам кўрсатилади ва улар ҳар хил зарарланиш тоифаларига бўлиниб, сўнгра тиббиёт шохобчаларига эвакуация қилинади. Зарарсизлантирувчи тузилмалар, ҳамма йўллар, иншоотлар, техникалар дегазация қилинади. Шу тариқа кимёвий шикастланган ўчоқда қутқарув ишлари бажарилади.

**Биологик шикастланган ўчоқда эса** биологик разведка ва бактериал моддалар хили, карантин ёки обсервация режимини қўлланилиши; санитар-экспертиза, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, емларнинг захарланганлигини аниқлаш ва уларни зарарсизлантириш; эпидемияга қарши, санитар-гигиеник, ветеринария ишлари ва бошқа омиллар амалга оширилади.

Бу ишларни олиб боришда биологик шикастланган ўчоқда санитар-эпидемиологик маскан, ветеринария маскани, эпидемияга қарши ҳаракатланувчан отряд, шифохоналар, поликлиника, ветеринария тармоқлари ва бошқа медицина тармоқлари жалб этилади. Улар биринчи навбатда оғир касаллик тарқатувчилардан сақлаш учун профилактик омиллар олиб боришади. Бунда турли хилдаги таъсир этувчи антибиотиклардан ҳамда ШД-2 пакетдан, газниқоблардан фойдаланилади.

Худудда касаллик тарқатувчининг аниқ тури топилгандан кейин, унга қарши махсус дорилардан фойдаланилади. Шундан кейин

шикастланганларнинг касалланиш ҳолатига қараб ҳар хил даражада тузатиш муолажалари олиб борилади. Улар дарҳол касалхонага ётқизилади ва жуда оғирлари маълум жойга, махсус гуруҳлар ёрдамида эвакуатсия қилиниб ўша ерда даволанадилар.

Биологик ўчоқнинг тугатилиши у ердаги охириги одамни тузалиб кетиш вақти билан аниқланади. Биологик ўчоқда ҳаракатланувчан қисмлар, у ердаги юқувчан касаллик билан касалланмасликлари учун ҳамма омилларни олиб бориш керак, яъни касаллар билан мулоқатда бўлмаслик, иншоотлар, хоналар, атроф-муҳит зарарсизлантириб турилиши, кийим-кечакларни дезинфекция қилиб туриш ва ўзини санитар - қайта ишловдан ўтказиб туриш талаб этилади. Мана шуларга риоя қилиб, ҳаракатланувчи тузилмалар ҳеч қандай йўқотишсиз, ўз вазифаларини бажариб борадилар. Мураккаблашган шикастланиш ўчоғида ҚБТИ ни олиб бориш, алоҳида-алоҳида ўчоқларда олиб борилган ишларга нисбатан бир неча ўн баробар оғир ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда вазият жуда мураккаб бўлиб, ўчоқдаги шикастлантирувчи омиллар турини аниқлаш жуда оғир ҳисобланади. Булардан ташқари, бундай ўчоқда бирор омилга қарши олиб бориладиган тадбирлар иккинчи омилга тамоман тесқари бўлиши мумкин. Масалан, хавфли эпидемия билан касалланган одамларни даволашда фойдаланиладиган карантин омили кучли бинар-хусусиятли кимёвий қуроллар ишлатилганда қўлланиладиган эвакуатсия ва бошқа воситалар. Мураккаблашган ўчоқда бирор услубий кўрсатма асосида эмас, ҚБТИни шароитини аниқ ўрганиш орқали, ўша ердаги вазиятдан келиб чиққан ҳолатда олиб борилади.

### **Ишлаб чиқариш тармоқларидаги аварияларда қутқарув ва тиклаш ишлари.**

Ишлаб чиқариш жараёнларидаги авариялар тасадифан содир бўлиб, унинг кўлами тез кенгайди ҳамда инсонларнинг ҳаёт фаолиятига катта хавф солади. Ишлаб чиқаришдаги аварияларнинг содир бўлиши, кўпроқ ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятига боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда бундай фалокатлар иккиламчи салбий таъсирларни юзага келтириб, атроф-муҳитга катта зарар келтиради. Масалан, бундай ҳолатлар нефтни қайта ишлаш, кимё, ёқилғиларни қайта ишлаш, кончилик саноат тармоқлари, биотехнологик жараёнлар кечадиган ҳамда КТЗМ ларни ташиш жараёнидаги хатоликлар натижасида кўпроқ юзага келади. Бундай фалокатлар юз берган объектдаги фуқароларни ва объект атрофида яшайдиган аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш ҳамда уларни муҳофазасини ташкил этиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларга жароҳат олган аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш шохобчаларига жойлаштириш ишлари ҳам киради.

Объектнинг аварияга учраган жойлари разведка қилиниб, ёнғин чиққан ҳудудларда ёнғинни ўчириш ва уларнинг кўламини чеклаш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган бошқа нохуш вазиятларни олдини олиш ишлари олиб борилади. Аварияга учраган объектлардаги шикастланган бино,

конструкциялардан, газга, тутунга тўлган иншоотлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик инсон учун салбий ҳолатларга олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай муҳофаза вазифаларини бажаришдан олдин қулаб тушиш эҳтимоли бор бўлган бино қисмларини мустаҳкамлаб ёки бузуб ташлаб, ундан кейин ҳаракат қилиш керак. Баъзи бир фалокатлар содир бўлганда ёқилғи ёки хавфли суюқликлар сизимидан оқиб кетиши ва тарқалиши оқибатида кучли ёнғинлар, портлаш ходисаларининг келиб чиқишига ва ўз навбатида атроф-муҳитни заҳарланишига олиб келади. Шу сабабдан авария оқибатларини бартараф этиш ишларини олиб боришда бундай салбий ҳолатларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Шунинг учун аварияга учраган объектларда иш олиб борилаётганда объект атрофи тўсиқлар билан ўралади, ҳамда қўриқчилар ёки кузатувчилар билан таъминланади.

### **Зарарланган объектларни махсус ишловдан ўтказиш.**

Душман томонидан қўлланилган қирғин қуроли оқибатида инсонлар, атроф-муҳит, сув, озиқ-овқатлар, техника, транспорт воситалари ва иншоотлар радиактив заррачалар, заҳарли моддалар ва бактериал моддалар билан зарарланиши мумкин. Шу сабабдан фуқароларни мана шу зарарланишдан сақлашда махсус ишлов бериш омиллари бажарилади. Махсус ишлов бериш омилли - умумий қирғин қуроли талофотларини йўқотиш жараёнининг асосий қисмини ташкил этиб, у қутқарув ва тиклаш ишларини олиб боришда комплекс вазифаларни ўз ичига олади.

Махсус ишлов бериш омилли - тўлиқ ҳамда қисман ишлов бериш хилларига бўлинади. Тўлиқ ишлов бериш омилли дейилганда қўйилган вазифаларни бажаришда ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз амалга ошириш, яъни - хавфсиз шароит яратиш тушунилади. Қисман ишлов бериш омилларида эса қўйилган вазифаларни фақат терини ҳимояловчи воситаларисиз амалга ошириш шароити тушунилади. Махсус ишлов бериш омилли - атроф-муҳитни зарарсизлантириш ҳамда фуқароларни санитар қайта ишлов беришдан ташкил топган.

Техника ва транспорт воситаларини зарарсизлантириш автосервис ва бошқа таъмирловчи корхоналарда амалга оширилади. Фуқароларни санитар ишловдан ўтказиш эса ҳаммом, душхона ва бошқа махсус ювиниш жойларида амалга оширилади. Зарарсизлантириш омиллига дезактиватсия, дегазатсия ва дезинфекция жараёнлари киради.

**Дезактивация** дейилганда, зарарланган воситалардан (кийим-кечак, ҳимоя воситалари, сув, техника, транспорт воситалари) ҳамда иншоотлардаги радиактив моддаларни активлигини йўқотиш тушунилади. Дезактиватсиянинг тўлиқ ҳамда қисман хили мавжуд бўлиб, у асосан механик ва физик-кимёвий усул билан олиб борилади. Механик усулда - радиактив моддалар билан зарарланган сирт юзаларини артиш орқали йўқотилади. Физик-кимёвий усулда эса радиоактив моддалар турли хилдаги кимвий модда эритмалари билан ювиш амалга оширилади. Дезактиватсияда асосан сув ишлатилиб, радиоактив моддаларнинг ювилувчанлигини оширишда, сирт-актив ҳамда

комплекс ҳосил қилувчи моддалар, кислоталар ва ишқорлар ишлатилади. Булар: СФ-2, ОП-7, ОП-10,  $\text{Na}_3\text{PO}_4$  трилон Б, шавел, лимон кислоталари ва унинг тузлардир.

**Дегазация омили** - захарловчи моддаларни парчалаб, зарарсиз моддалар ҳосил қилиши ҳамда уларнинг миқдорини камайтириш ҳисобланади. Дегазация омили махсус техникалар ёрдамида амалга оширилади. Дегазация қилувчи моддаларга кимёвий моддалар кириб, улар оксидловчи хлорли бирикмалар (гипохлоридлар, хлорамин) ва ишқорий бирикмалар ( $\text{NaOH}$ , сода, аммиак, аммиакли тузлар) киради. Бу бирикмаларнинг ҳаммаси эритма ҳолида ишлатилади.

Эритувчи сифатида: сув, дихлоретан, трихлоретан, бензин ишлатилади. Дегазация қилувчи эритма №1, 5 фоизли гексахлормеламин ёки 10 фоизли дихлорамин эритмаси иприт ва бошқа кимёвий қуролларни зарарсизлантиришда ишлатилади. Дегазация қилувчи эритма №2, 2 фоиз  $\text{NaOH}$ , 5 фоизли моноетаноламин ва 20 фоиз аммиакли сув эритмасидан ташкил топиб, зоман типигаги захарловчиларни зарарсизлантиради. Терини касаллантирувчи ва асабни фалажловчи захарли моддаларни зарарсизлантиришда хлорли оҳак эритмаси ишлатилади.

Кимёвий қуроллар билан зарарланган атроф-муҳит кимёвий ёки механик усулда дегазация қилинади. Кимёвий усул бўйича юқорида айтилганидек, дегазацияловчи модда эритмалари билан қайта ишланади. Механик усулда эса зарарланган жойларнинг устки қисмлари (7-8 см қалинликда) олиб ташланади ёки ўша жойнинг устини қалин сомон, тахталар билан беркитилиб, химоя қилинади. Дезактивация ва дегазация омилларининг тозалиги дозиметрик ва кимёвий асбоблар билан текширилади.

**Дезинфекция омили** – биологик шикастланиш ўчоғида олиб бориладиган зарарсизлантириш тадбирлари ҳисобланиб, уни олиб бориш усуллари ва қоидалари иккинчи бобда батафсил келтирилган. Дезинфекция омилларининг тозалиги бактериологик усул орқали назорат қилинади.

**Санитар қайта ишлаш.** Бу омил махсус қайта ишлов бериш усулининг асосини ташкил этиб, у фуқароларни радиактив, захарловчи моддалар ва бактериал туманлар билан зарарланишнинг олдини олишда қўлланиладиган ҳар томонламали омилларидан ташкил топган. Санитар қайта ишлаш, қисман ва тўлиқ турларга бўлинади. Қисман санитар қайта ишлаш - барча кийим-кечак, яқка тартибдаги химоя воситалари, очиқ қолган териларни механик усулда тозалаш ҳисобланади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш - тана аъзоларни зарарсизлантирувчи усулларни қўллаш (ювиш, дезинфекция қилиш) тушунилади. Бу барча тана аъзоларини, кийим-кечак, химоя воситалар ва бошқаларни зарарсизлантириш мақсадида қўлланилади. Бу усул бўйича шикастланган худуддан чиққан фуқаролар, ишчи-хизматчилар, тузилмалар жалб қилинади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш омили махсус қурилган ювиниш шохобчаларида амалга оширилади. Бунда фуқаролар бир томондан кириб, кийим-кечак, химоя воситаларини ечиб, ювиниб, оғиз, кўз ичларини

зарасизлантириб, иккинчи томондан дозиметрик, кимёвий текширувдан ўтиб, сўнгра тоза кийим-кечак кийишади ҳамда иккинча дозиметрик кўрикдан ўтилади. Зарарланган кийимлар, ҳимоя воситалари, махсус усуллар ёрдамида зарасизлантирилади. Шикастланган ҳудуддан чиқишда юқорида айтилган муолажалар юқори савияда ўтказилса, зарарланиш миқёси шунча кичик ва талофотларга учрашнинг олди олинган бўлади.

Зарарланган жойларни зарасизлантириш ишлар тамом бўлгандан сўнг ҳар бир фуқаро тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтиши керак. Бу муолажа ҳаммомларда, душхоналарда ёки махсус ювиниш жойларида амалга ошириш керак. Бу жойларда зарарланган кийим-кечаклар, ҳимоя воситалари, бир жойга эчилиб, кейин ювиниладиган хонага кирилади ва совун, мочалка билан ҳамма тери устилари зарасизлантирилади. Ювиниб бўлгандан сўнг дозиметрик кўрикдан ўтилади ва янги зарасизлантирилган кийим-кечак кийилади ҳамда иккинчи дозиметрик кўрикдан ўтилади. Мана шундай муолажалардан ўтган фуқаро, зарарли таъсирлар талофотларига учрамайди ва уни олдини олинган бўлади.

#### **«Ҳалокатлар тиббиёти» хизматининг ташкил этилиши ва унинг вазифалари.**

Ҳалокатлар тиббий хизматининг асосий вазифаси шикастланган ўчоқларда авария-қутқариш ишларини олиб бориш ҳамда тиббий-санитария таъминоти самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Яъни унинг бош мақсади - шикастланганларни иложи борица кўп қутқаришдир.

Ҳалокатлар тиббий хизмати, амалдаги тиббий хизматнинг куч ва воситаларидан самарали фойдаланади, у уч таркибий қисмдан ташкил топади. Биринчи қисмга – бошқарув тизими, бу тизим республика даражасида фаолият кўрсатиб, у соғлиқни сақлаш вазири бошчилигида турли вазирлик ва идоралар вакилларидан ташкил топган идоралараро мувофиқлаштирувчи ҳайъатдан иборат. Маҳаллий даражадаги бундай ҳайъатларга, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва маҳаллий бўлимларнинг раҳбарлари бошчилик қилади. Бошқарув тизимлари фавқулодда вазият юз берган вақтдан иш бошлаб то унинг оқибатлари тўлиқ бартараф этилгунча фаолият кўрсатадилар.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг иккинчи таркибий қисмини – амалдаги тез тиббий ёрдам тизими ташкил этади. Ҳалокатлар тиббий хизматининг асосий бўғинини кечиктириб бўлмайдиган ихтисослашган тиббий ёрдам хизмати (1-босқич), ҳамда ШТЁДИМ ва унинг минтақавий филиаллари ва туман марказий касалхоналари (2-босқич) ташкил этади. Бунда ШТЁДИМ – саралаш – эвакуация госпиталлари тарзида, туман марказий касалхоналари эса – ихтисослашган касалхоналар сифатида фаолият кўрсатади.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг учинчи таркибий қисмини – ихтисослашган хизматлар ташкил этиб, у доимо тайёр турадиган махсус тузилмаларни ўз ичига олади. Бундай тузилмаларга: иккинчи босқични кучайтиришга мўлжалланган ихтисослашган шошилиш тиббий ёрдам бригадалари; 1-босқични кучайтиришга мўлжалланган шошилиш тиббий ёрдам бригадалари киради. Бу тузилмалар асосан ўртача ҳалокатлар содир

бўлганда фаолият кўрсатади. Катта ҳалокатлар юз берганда захирада қолган, ихтисослашган кўчма госпиталлар ишга солинади.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг асосий йўналишларидан бири аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда фавқулодда вазиятларда хатти-ҳаракат қоидаларини ўргатишдан иборат.

Фалокат ва ҳалокатларда тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишда ҳалокатнинг миқёси ва санитария талофотининг ҳажмига қараб белгиланади. Албатта таббий офат ёки катта ишлаб чиқариш авариялардан санитария талофоти катта миқёсида бўлганда, бунинг оқибатларини тугатишда махсус ёндошувлар талаб этилади. Жумладан, бундай ҳолатларда жабрланганларга иложи борича талофот ўчоғининг ўзида ёки унга яқин бўлган жойда тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлади.

Катта миқёсидаги фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдамни ташкил этишда қуйидаги ишлар бажарилади:

- Шикастланган ўчоқларни тиббий разведка қилиш;
- Жабрланганларни қидириб топиш ва уларни қутқариш;
- Жабрланганларни саралаш;
- Жабрланганларни эвакуация қилиш;
- Тиббий ёрдам бериш ва даволаш.

Шикастланган ўчоқларни разведка қилишда – аҳолини сони, тиббий хизмат кучлари ва воситаларининг сони, талофот даражаси, йўллар ва сув манбаларининг мавжудлиги, ҳамда уларнинг аҳволи ҳақидаги маълумотлар олинади.

Жабрланганларни қисқа вақт мобайнида (бир неча соатдан – бир суткагача) қидириб топиш ва қутқариш талаб этилади, ҳамда иложи борича уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш омиллари бажарилади. Бу омилларнинг бажарилишида қутқарув тизимларидан ташқари, ўт ўчирувчилар, жамоат тартибини сақловчи, ҳарбий қисмларнинг ходимлари ҳамда кўнгилли фуқаролар бажарадилар.

Жабрланганларни саралаш тиббий хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади. Саралаш – тиббий ёрдамнинг ҳажмини, турини, ҳамда ёрдам кўрсатишнинг кейинги босқичларини ҳисобга олиб, жабрланганларни транспортларда ташиш имкониятлари ва навбатини аниқлайди.

Жабрланганларни эвакуация қилиш – талофот олганларнинг шикастланган ўчоқлардан олиб чиқиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳамда даволаш учун тиббиёт муассасаларига олиб бориш тадбирларидан иборат. Бунда тиббий ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади ва ярадорларни транспорт воситалари (темир йўл, автомобил, сув ва ҳаво йўли) ёрдамида эвакуация қилинади. Даволаш муассасаларига келтирилган сараланган жабрланганларга малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдамлар кўрсатилади.

Шундай қилиб шикастланган ўчоқда қолган жабрланган аҳоли тиббий ёрдамнинг ҳамма турлари билан: биринчи тиббий ёрдам, биринчи шифокор ёрдами, малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдами бирин кетин кўрсатилади.

**Биринчи тиббий ёрдам.** Шикастланган ўчоқларда талафот олган фуқароларга шу жойнинг ўзида ҳаётий кўрсаткичларга мувофиқ кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам тушунилади. Ўз вақтида ва тўғри кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам шикастланган одамнинг ҳаётини сақлаб қолади ва салбий оқибатлар ривожини олди олинади.

Албатта бу ерда фавқулодда вазиятнинг шикастловчи омилларни тўхтатиш (сувдан олиб чиқиш, ёнаётган кийимларни ўчириш, ёнаётган, газга тўлган уйлардан олиб чиқиш ва бошқалар) чораларни кўрган ҳолда хатти-ҳаракат қилиш керак.

Талафот олган кишини тиббий кўриқдан ўтказишда шифокор қуйидаги тартибдаги текширувларни ўтказди:

- Оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўллари текшириш (оғизни бегона нарсалардан тозалаш);
- Нафас олиш ҳаракатларини текшириш (ўпкага сунъий нафас бериш ва юракни бевосита уқалаш);
- Қон томирлари бутунлигини аниқлаш (қон томирларидан оқаётган қонни тўхтатиш, айниқса артериал томирлардан);
- Юрак-қон томир тизимини текшириш (томир уришини);
- Сизги аъзоларини текшириш;
- Шикастланган кишини нутқини текшириш.

Биринчи тиббий ёрдам беришнинг энг қисқа вақти – шикастланган вақтдан бошлаб 30 минггача, нафас олиши тўхтаган бўлса 5-7 минутгача амалга оширилиши лозим. Захарланган ҳудудларда 30 минут ичида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилса, уларнинг умумий аҳволининг оғирлашуви икки баробарга камаяди.

Демак, жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш вақти ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Маълумотлар кўрсатишича, жараҳотланганларга бир соат мобайнида ёрдам кўрсатилмаса ўлимга сабаб бўлиш 30 фоизга, 3 соатгача ёрдам кўрсатилмаса 60 фоиз ва 6 соатгача ёрдам кўрсатилмаса 90 фоизгача ортади.

Биринчи тиббий ёрдамни жароҳат олган кишининг ўзи ёки унинг ёнида бўлганлар (аҳоли, сан дружиначилар ёки фуқаро муҳофазаси ходимлари) кўрсатади.

**Биринчи шифокор ёрдами** – жароҳатнинг жабрланганлар ҳаётига бевосита хавф солувчи оқибатларини бартараф қилиш, жароҳат инфекциясини янада ривож топишининг олдини олиш мақсадида шифокорлар бажарадиган даволаш – муҳофаза омилларидан иборат. Бундай ёрдамни умум шифокорлик тайёргарлиги бўлган ва ихтисослик жароҳ шифокорлари кўрсатади. Биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш вақти жароҳат олган вақтдан бошлаб 3-6 соат ҳисобланади. Тиббий ёрдамнинг бу турини ҳамма ихтисосликдаги шифокорлар билишлари керак.

**Малакали тиббий ёрдам** – даволаш муассасаларида тегишли ихтисосликдаги шифокорлар амалга оширадиган жароҳат оқибатларини, биринчи галда ҳаёт учун хавфли оқибатларини бартараф қилиши, ривожлана

бошлаган салбий оқибатларга қарши курашиш, жароҳатланганларни тўлиқ даволашга қаратилган жарроҳлик ва терапевтик тадбирлар мажмуасидир.

**Ихтисослашган тиббий ёрдам** – ихтисослашган даволаш муассасаларида одамнинг баъзи аъзолари ва тизимларидаги бузилишларини максимал даражада тиклаш мақсадида махсус аппаратлар ва ускуналардан фойдаланиб, мутахассис шифокорлар бажарадиган даволаш-муҳофаза тадбирлари мажмуасидан иборат.

Шундай қилиб, «Ҳалокатлар тиббиёти» хизмати тизимлари икки босқичли тизимда фаолият кўрсатадилар. Биринчи босқичда – бевосита ўчоқнинг ичида жабрланганларни қидириб топиш, уларга биринчи тиббий ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш, уларни тиббий эвакуатсия қилиш, ҳамда санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширадилар. Иккинчи босқичда эса жароҳатланганларга шифохоналарда малакали, ихтисослашган тиббий ёрдамни амалга оширади.

### **Назорат саволлари**

1. Қутқарув ишлари нималардан иборат?
2. Тиклаш ишларига нималар киради?
3. Ядровий шикасланган ўчоқда қутқарув ва тиклов ишлари нималардан иборат бўлади?
4. Кимёвий шикастланган ўчоқда қутқарув ва тиклов ишлари нималардан иборат?
5. Биологик шикастланган ўчоқда қандай кечиктириб бўлмайдиган ишлар бажарилади?
6. Зарарсизлантириш омилига қандай жараёнлар киради?
7. Махсус ишлов бериш омилининг моҳияти ва унинг турларини тушунтириб беринг.
9. Талафот кўрганларга тиббий ёрдамни ташкил этиш қандай бўлади?
10. Табиий офат рўй берганда санитар гигиена ва эпидемияга қарши қандай тадбирлар амалга оширилади ?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.);

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда

вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455-сон қарорлар.

3. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик (лотин имлосида) -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

4.Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

5. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков.А., Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г

6.«Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

### **Интернет маълумотларн:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3.Аxborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4.Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5.Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7.[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10.[www.cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

### **6-мавзу: Фавқулодда вазиятларнинг таснифи: табиий, техноген, экологик фавқулодда вазиятлар, уларни олдини олиш чоралари**

#### **Режа:**

1. Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари.

2.Фавқулодда вазиятларни олдини олиш чора-тадбирлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, эпифитотия, гидрометеорология, геологик, ер усти иншоотлари (дарё, кўл, канал ва ҳ.к), ер ости иншоотлари (ўтказувчи қувурлар, тунеллар), сув-энергетика иншоотлари, сув таъминоти иншоотлари, суғориш иншоотлари, чиқинди сувларни чиқариш иншоотлари, балиқчилик хўжалик иншоотлари, сув-спорт иншоотлари, ГЭС лар ва бошқа сув иншоотлари (тўғонлар ва бошқалар), сув ўтказиш иншоотлари (каналлар, тунеллар, қувур ўтказгичлар), тарновлар, осма қувурлар, ташландиқ сув иншоотлари (ортиқча сувни

чиқариш учун), сув оқимини тартиблаш иншоотлари (сув оқимини тўғирловчи, дарё ва қирғоқ ўзанларини яхшиловчи ва бошқалар).

Мутахассислар табиий офатга ҳалокатли вазиятни юзага келтириши ва кундалик турмуш тарзини бузиб юборилиши, аҳолининг ёрдамга муҳтож бўлиб қолиши ва катта кулфат чекишига сабаб бўлувчи жараён сифатида қарашади. Бунинг оқибатида аҳолида тиббий ва бошқа ёрдам турларига алоҳида эҳтиёж сезилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 455-сонли «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги қарорига (27.10.1998) мувофиқ уларнинг таснифи берилган.

**Фавқулодда вазиятларнинг таснифи юзага келиш сабабларига (манбаларига) кўра:**

- 1.Техноген хусусиятли ФВ
- 2.Табиий хусусиятли ФВ
- 3.Экологик хусусиятлиФВ

*Одамлар сонига, моддий зарарлар миқдориغا ва кўламларига қараб:*

- 1.Локал
- 2.Маҳаллий
- 3.Республика
- 4.Трансчегара

**Техноген тусдаги ФВ:**

1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари;
- 2.Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;
3. Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар;
4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар;
5. Бинолар конструкцияларини тўсатдан бузилиши;
6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;
7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда 53 та сув омбори, дарё сувларини истеъмолчиларга тақсимлаб берувчи 150 дан ортиқ сув тўғонлари, 28122 км узунликдаги магистрал каналлар ва бошқа сув иншоотлари мавжуд. Бундай иншоотлар ҳар қандай фавқулодда вазиятлар юз берганда (ҳарбий ҳолатда ҳам, тинчлик даврида ҳам) катта хавф туғдиради. Гидротехника иншоотларнинг айримлари катта шаҳарлар ва йирик аҳоли яшаш жойлари яқинида жойлашга бўлиб, юқори даражадаги хавфли объектлар ҳисобланади.

Гидротехник иншоотлари, кўрсаткичларига кўра ҳар хил бўлади:

**1) жойлашган ўрнига кўра:**

- а) ер усти иншоотлари (дарё, кўл, канал ва ҳ.к);
- б) ер ости иншоотлари (ўтказувчи қувурлар, тунеллар ва ҳ.к).

## **2) фойдаланиш мақсадига кўра:**

- а) сув-энергетика иншоотлари;
- б) сув таъминоти иншоотлари;
- в) суғориш иншоотлари;
- г) чиқинди сувларни чиқариш иншоотлари;
- д) балиқчилик хўжалик иншоотлари;
- е) сув-спорт иншоотлари ва ҳ.к.

## **3) вазифасига қараб:**

- а) ГЭС лар ва бошқа сув иншоотлари (тўғонлар ва бошқалар);
- б) сув ўтказиш иншоотлари (каналлар, тунеллар, қувур ўтказгичлар);
- в) тарновлар, осма қувурлар ва ҳ.к.;
- г) ташландиқ сув иншоотлари (ортиқча сувни чиқариш учун);
- д) сув оқимини тартиблаш иншоотлари (сув оқимини тўғирловчи, дарё ва қирғоқ ўзанларини яхшиловчи ва бошқалар);
- е) балиқ хўжалиги иншоотлари (балиқ боқиш учун).

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши жуда ката ҳудудларни, жумладан: шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларни, саноат тармоқларини ва моддий ресурсларни сув остида қолишига олиб келиши мумкин, оқибатда жуда катта ҳам маънавий, ҳам моддий зарарларни олиб келишига сабаб бўлади. Жумладан, сув уриб кетган иншоотлар, автомобил ва темир йўллар, электр ва алоқа узатиш симларининг зарарланиши, чорва моллари, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, экинзорлар ва бошқаларнинг нобуд бўлиши, хом-ашё, ёқилғи, озиқ-оқат маҳсулотлари, ўғитлар ва бошқа ресурсларни яроқсиз ҳолга келиши; аҳолини хавфсиз жойларга вақтинча эвакуатсия қилиш харажатлари; ерларнинг ҳосилдор қатламининг ювилиб кетиши; сув босган ҳудудларда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа керакли маҳсулотларни олиб келиш харажатлари ва бошқа салбий талофотларга олиб келади.

Гидротехник иншоотлари қўйидаги таъсирлар натижасида бузилади:

- 1) табиий офатлар оқибатида (зилзила, кўчки, жала ёмғирлар ювиб кетиш ва бошқалар);
- 2) ускуналарнинг табиий емирилиши ва эскириши;
- 3) иншоотни лойиҳалаш ва қуришдаги хатоликлар;
- 4) сувларни ишлатиш қодаларини бузилиши;
- 5) портлатишлар оқибатида (ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик ва бошқалар).

Гидротехник иншоотларининг бузилиши натижасида муайян оқибатларга олиб келади, жумладан: Гидротехник иншооти ўз вазифасини бажармай қўйиши; сув тўлқинини инсонларга зарар етказиши ва турли иншоотларни бузилиши; ҳудудларни сув босиб, мол-мулкка, ерларга, моддий ресурсларга ва бошқа объектларга жиддий моддий зарар келтиради. Шунинг

учун бундай иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотлар зиммасига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунининг 8,9-моддаларида кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар юкланган. Унга кўра бундай хавфли объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш давомида хавфсизлигини пасайиш сабабларини таҳлил этиш, содир бўлиши мумкин бўлган аварияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш, шунингдек бундай масалалар бўйича фавқулодда вазиятлар тизимлари билан ҳамкорлик қилиш таъкидлаб ўтилган.

Шу ўринда 2009 йил 17 августда Россиянинг “Саяно- Шушенск” ГЕСида бўлган авария тўғрисидаги маълумотни таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу гидроиншоот жуда бахайбат қурилган бўлиб унинг узунлиги 1 км дан узун, баландлиги 250 м, гидростатик вазни 22 млн тоннани ташкил этади. ГЕС нинг аварияга учрашишининг сабаби, 1985 йилда гидроиншоотнинг энг баланд устуни дарз кетиб, Енесей дарёсининг бу қирғоғидан у қирғоғигача бўлган бутун тўғон танасида ёриқ пайдо бўлган. Ёриқдан ҳар сонияда 550 литр сув оқиб ўта бошлаган ва натижада тўғон бетонининг емирилиши бошланган. Емирилиш жараёни 8 йил мобайнида давом этган ва 1996 йилдагина Француз мутахассислари томонидан ёриқ полимер материаллари билан яхлитлиги тикланган. Шу давр мобайнида (8 йил) иншоотнинг баъзи бир секциялари 97 мм дан - 107 мм гача жойидан силжиган. Аммо, “Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги” тўғрисидаги қонунга биноан, 108 мм га силжиш хавфсизлик нуқтаи назаридан “тахликали” ҳолат ҳисобланади. Шундай аянчли ҳолатга қарамасдан, гидроиншоотдан фойдаланиб келишлиги оқибатида тўғоннинг иккинчи агрегат қисимлари сочилиб қулаб тушган ва ёнғин пайдо бўлган. Бу авариянинг талафоти натижасида 100 дан зиёд фуқароларнинг қурбон бўлганлиги ва катта моддий зарар кўринганлиги маълум.

Гидротехник иншоотларда авария бўлмаслиги учун муҳофаза қилиниш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур, жумладан:

- 1) Гидротехник иншоотларини лойиҳалаш ва қурилишда хатоликларга йўл қўймаслик;
- 2) Гидротехник иншоотларидан тўғри фойдаланиш;
- 3) Гидротехник иншоотларидаги белгиланган тадбирларни ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажариш;
- 4) қирғоқ ва иншоот тубини мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш;
- 5) Сув чиқаришда ва ғамлашда қонун қоидаларга риоя этиш (вақтга мос равишда тақсимланиши);
- 6) Қўшимча сув омборлари ёрдамида тошқин сувлар оқимини тартибга солиб туриш;
- 7) Гидротехник иншоотларидаги вазиятни доимо кузатиб туриш;
- 8) Гидротехник иншоотлари ҳудудини чет эллик кишилар киришидан ишончли қўриқлаш;
- 9) Фалокатларга олиб келадиган ноқулай омиллар бўлиш эҳтимолини олдиндан айтиш тахминларини тузиш учун гидротехник шароитни мунтазам кузатиб бориш.

## **Гидротехник иншоотларидаги аварияларда фуқароларнинг хатти-харакатлари :**

Гидротехник иншоотларидаги аварияда фуқаролар қуйидаги қоидаларни бажаришлари лозим:

1) Сув остида қоладиган ҳудуддаги фуқароларни, сув босиши мумкин бўлган ҳудудларни ва сув босиш вақтини шунингдек шикастловчи омилларини (сув уриб кетадиган тўлқин баландлиги ва тезлигини ва бошқаларни) яхши билишлари керак;

2) Аҳолининг ҳаммаси сув босиш хавфи туғилгандаги ва сув босгандаги хатти-харакатларга тайёрланган бўлишлари керак;

3) Аҳолининг ҳаммаси сув босиш эҳтимоли борлиги, сув босиш вақти, унинг чегаралари ҳақидаги ва эвакуация тартиби ҳақидаги тавсияларни вақтида олиши керак;

4) Хавф ҳақидаги хабар (огоҳлантириш) олинганда қуйидаги ишлар қилиниши керак:

- дарҳол ҳужжатларни, қимматбаҳо ва керакли буюмларни, 2-3 кунлик озиқ-овқат ва ичимлик сувини ўзи билан олиш;

- уйларни эҳтиёт ҳолатда (газ, сув, электр таъминотини ўчириши) қолдириши керак;

- чорва молларини хавфсиз жойларга ўтказиб қўйиш;

5) Агар тўсатдан ҳалокатли сув босса:

- сувнинг тўлқин зарбидан сақланиш учун мустаҳкам қурилган иншоотларнинг юқори қисмларига чиқилади;

- олдиндан тайёрланган қутқарув воситасини (4-6 та бир литрли пластмасса идишлари осилган нажот камарини) тақиб олишади;

- агар одам иморат ичида (юқори қисмларида ) қолган бўлса, қаердалигини белгилаб, қутқарувчилар ёрдамга келиши учун оқ байроқ белгилари осиб қўйилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда 53 та сув омбори, дарё сувларини истеъмолчиларга тақсимлаб берувчи 150 дан ортиқ сув тўғонлари, 28122 км узунликдаги магистрал каналлар ва бошқа сув иншоотлари мавжуд. Бундай иншоотлар ҳар қандай фавқулодда вазиятлар юз берганда (ҳарбий ҳолатда ҳам, тинчлик даврида ҳам) катта хавф туғдиради. Гидротехника иншоотларнинг айримлари катта шаҳарлар ва йирик аҳоли яшаш жойлари яқинида жойлашга бўлиб, юқори даражадаги хавфли объектлар ҳисобланади.

Гидротехник иншоотлари, кўрсаткичларига кўра ҳар хил бўлади:

### **1) жойлашган ўрнига кўра:**

а) ер усти иншоотлари (дарё, кўл, канал ва ҳ.к);

б) ер ости иншоотлари (ўтказувчи қувурлар, тунеллар ва ҳ.к).

### **2) фойдаланиш мақсадига кўра:**

а) сув-энергетика иншоотлари;

б) сув таъминоти иншоотлари;

- в) суғориш иншоотлари;
- г) чиқинди сувларни чиқариш иншоотлари;
- д) балиқчилик хўжалик иншоотлари;
- е) сув-спорт иншоотлари ва ҳ.к.

**3) вазифасига қараб:**

- а) ГЕС лар ва бошқа сув иншоотлари (тўғонлар ва бошқалар);
- б) сув ўтказиш иншоотлари (каналлар, тунеллар, қувур ўтказгичлар);
- в) тарновлар, осма қувурлар ва ҳ.к.;
- г) ташландиқ сув иншоотлари (ортиқча сувни чиқариш учун);
- д) сув оқимини тартиблаш иншоотлари (сув оқимини тўғирловчи, дарё ва қирғоқ ўзанларини яхшиловчи ва бошқалар);
- е) балиқ хўжалиги иншоотлари (балиқ боқиш учун).

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши жуда ката ҳудудларни, жумладан: шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларни, саноат тармоқларини ва моддий ресурсларни сув остида қолишига олиб келиши мумкин, оқибатда жуда катта ҳам маънавий, ҳам моддий зарарларни олиб келишига сабаб бўлади. Жумладан, сув уриб кетган иншоотлар, автомобил ва темир йўллар, электр ва алоқа узатиш симларининг зарарланиши, чорва моллари, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, экинзорлар ва бошқаларнинг нобуд бўлиши, хом-ашё, ёқилғи, озиқ-оқат маҳсулотлари, ўғитлар ва бошқа ресурсларни яроқсиз ҳолга келиши; аҳолини хавфсиз жойларга вақтинча эвакуатсия қилиш харажатлари; ерларнинг ҳосилдор қатламининг ювилиб кетиши; сув босган ҳудудларда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа керакли маҳсулотларни олиб келиш харажатлари ва бошқа салбий талофотларга олиб келади.

Гидротехник иншоотлари қуйидаги таъсирлар натижасида бузилади:

- 1) табиий офатлар оқибатида (зилзила, кўчки, жала ёмғирлар ювиб кетиш ва бошқалар);
- 2) ускуналарнинг табиий емирилиши ва эскириши;
- 3) иншоотни лойиҳалаш ва қуришдаги хатоликлар;
- 4) сувларни ишлатиш қодаларини бузилиши;
- 5) портлатишлар оқибатида (ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик ва бошқалар).

Гидротехник иншоотларининг бузилиши натижасида муайян оқибатларга олиб келади, жумладан: Гидротехник иншооти ўз вазифасини бажармай қўйиши; сув тўлқинини инсонларга зарар етказиши ва турли иншоотларни бузилиши; ҳудудларни сув босиб, мол-мулкка, ерларга, моддий ресурсларга ва бошқа объектларга жиддий моддий зарар келтиради. Шунинг учун бундай иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотлар зиммасига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунининг 8,9-моддаларида кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар юкланган. Унга кўра бундай хавфли объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш давомида хавфсизлигини пасайиш сабабларини таҳлил этиш, содир бўлиши мумкин бўлган аварияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва

бажариш, шунингдек бундай масалалар бўйича фавқулодда вазиятлар тизимлари билан ҳамкорлик қилиш таъкидлаб ўтилган.

Шу ўринда 2009 йил 17 августда Россиянинг “Саяно- Шушенск” ГЕСида бўлган авария тўғрисидаги маълумотни таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу гидроиншоот жуда бахайбат қурилган бўлиб унинг узунлиги 1 км дан узун, баландлиги 250 м, гидростатик вазни 22 млн тоннани ташкил этади. ГЕС нинг аварияга учрашишининг сабаби, 1985 йилда гидроиншоотнинг энг баланд устуни дарз кетиб, Енесей дарёсининг бу қирғоғидан у қирғоғигача бўлган бутун тўғон танасида ёриқ пайдо бўлган. Ёриқдан ҳар соғияда 550 литр сув оқиб ўта бошлаган ва натижада тўғон бетонини емирилиши бошланган. Емирилиш жараёни 8 йил мобайнида давом этган ва 1996 йилдагина Француз мутахассислари томонидан ёриқ полимер материаллари билан яхлитлиги тикланган. Шу давр мобайнида (8 йил) иншоотнинг баъзи бир секциялари 97 мм дан - 107 мм гача жойидан силжиган. Аммо, “Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги” тўғрисидаги қонунга биноан, 108 мм га силжиш хавфсизлик нуқтаи назаридан “тахликали” ҳолат ҳисобланади. Шундай аянчли ҳолатга қарамасдан, гидроиншоотдан фойдаланиб келишлиги оқибатида тўғоннинг иккинчи агрегат қисимлари сочилиб қулаб тушган ва ёнғин пайдо бўлган. Бу авариянинг талафоти натижасида 100 дан зиёд фуқароларнинг қурбон бўлганлиги ва катта моддий зарар кўринганлиги маълум.

Гидротехник иншоотларда авария бўлмаслиги учун муҳофаза қилиниш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур, жумладан:

1) Гидротехник иншоотларини лойиҳалаш ва қурилишда хатоликларга йўл қўймаслик;

2) Гидротехник иншоотларидан тўғри фойдаланиш;

3) Гидротехник иншоотларидаги белгиланган тадбирларни ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажариш;

4) қирғоқ ва иншоот тубини мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш;

5) Сув чиқаришда ва ғамлашда қонун қоидаларга риоя этиш (вақтга мос равишда тақсимланиши);

6) Қўшимча сув омборлари ёрдамида тошқин сувлар оқимини тартибга солиб туриш;

7) Гидротехник иншоотларидаги вазиятни доимо кузатиб туриш;

8) Гидротехник иншоотлари ҳудудини чет эллик кишилар киришидан ишончли қўриқлаш;

9) Фалокатларга олиб келадиган ноқулай омиллар бўлиш эҳтимолини олдиндан айтиш тахминларини тузиш учун гидротехник шароитни мунтазам кузатиб бориш.

#### **Гидротехник иншоотларидаги аварияларда фуқароларнинг хатти-харакатлари :**

Гидротехник иншоотларидаги аварияда фуқаролар қуйидаги қоидаларни бажаришлари лозим:

1) Сув остида қоладиган ҳудуддаги фуқароларни, сув босиши мумкин бўлган ҳудудларни ва сув босиш вақтини шунингдек шикастловчи

омилларини (сув уриб кетадиган тўлқин баландлиги ва тезлигини ва бошқаларни) яхши билишлари керак;

2) Аҳолининг ҳаммаси сув босиш хавфи туғилгандаги ва сув босгандаги хатти-ҳаракатларга тайёрланган бўлишлари керак;

3) Аҳолининг ҳаммаси сув босиш эҳтимоли борлиги, сув босиш вақти, унинг чегаралари ҳақидаги ва эвакуатсия тартиби ҳақидаги тавсияларни вақтида олиши керак;

4) Хавф ҳақидаги хабар (огоҳлантириш) олинганда қуйидаги ишлар қилиниши керак:

- дарҳол ҳужжатларни, қимматбаҳо ва керакли буюмларни, 2-3 кунлик озиқ-овқат ва ичимлик сувини ўзи билан олиш;

- уйларни эҳтиёт ҳолатда (газ, сув, электр таъминотини ўчириши) қолдириши керак;

- чорва молларини хавфсиз жойларга ўтказиб қўйиш;

5) Агар тўсатдан ҳалокатли сув босса:

- сувнинг тўлқин зарбидан сақланиш учун мустаҳкам қурилган иншоотларнинг юқори қисмларига чиқилади;

- олдиндан тайёрланган кутқарув воситасини (4-6 та бир литрли пластмасса идишлари осилган нажот камарини) тақиб олишади;

- агар одам иморат ичида (юқори қисмларида ) қолган бўлса, қаердалигини белгилаб, кутқарувчилар ёрдамга келиши учун оқ байроқ белгилари осиб қўйилади.

## **Табий тусдаги фавқулодда вазиятлар:**

### **1.Геологик хавфли ҳодисалар:**

- зилзилалар
- ер кўчкилари
- тоғ ўпирилишлари

### **2.Гидрометеорологик хавфли ҳодисалар:**

- сув тошқинлари
- сув тўпланиши
- селлар
- қор кўчкилари,
- кучли шамоллар (довуллар)
- жала
- қурғоқчилик

Геологик хавфли ҳодисаларга қуйидагилар киради:

одамлар ўлимига, маъмурий-ишлаб чиқариш биноларини, технологик асбоб-ускуналарнинг, энергия таъминоти, транспорт коммуникациялари ва инфратузилма тизимларининг, ижтимоий йўналишдаги биноларнинг ва уй-жойларнинг турлича даражада бузилишига, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келган **зилзилалар;**

одамлар ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ва хавфли ҳудуддан одамларни вақтинча кўчиришни ёки хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчиришни талаб қилувчи **ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари** ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар.

Гидрометеорологик хавфли ҳодисаларга:

одамлар ўлимига, аҳоли пунктларини, баъзи саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини сув босишига, инфратузилмалар ва транспорт коммуникациялари, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолияти бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирлари ўтказилишини талаб қиладиган **сув тошқинлари, сув тўпланиши ва селлар**;

аҳоли пунктларидаги, санаторий, дам олиш уйларидаги, соғломлаштириш лагерларидаги одамларнинг, сайёҳлар ва спортчиларнинг жароҳатланишига ва ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган **қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала** ва бошқалар киради.

Аҳоли ва ҳудудларни ушбу турдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралда қабул қилинган ПҚ-585-сонли «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Геологик хавфли ҳодисаларга қуйидагилар киради:

одамлар ўлимига, маъмурий-ишлаб чиқариш биноларини, технологик асбоб-ускуналарнинг, энергия таъминоти, транспорт коммуникациялари ва инфратузилма тизимларининг, ижтимоий йўналишдаги биноларнинг ва уй-жойларнинг турлича даражада бузилишига, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келган **зилзилалар**;

одамлар ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ва хавфли ҳудуддан одамларни вақтинча кўчиришни ёки хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчиришни талаб қилувчи **ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари** ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар.

Зилзила, кўчки, ўпирилиш, сел, сув тошқини, қор кўчкиси, кучли шамоллар каби фавқулодда вазиятлар келтирадиган моддий зарари, қурбонлар сонининг кўп бўлиши билан ажралиб туради. Лекин шунга қарамасдан улардан келадиган зарар миқдорини камайтириш мумкин. Бунга эришиш

йўлларидан бири уларнинг келиб чиқиш сабаблари, даракчилари ва белгиларини билиб олиш, ушбу фавқулодда вазиятлар юз бериш хавфи пайдо бўлганида ва рўй берган дамда хотиржам, вазиятга оқилона баҳо берган ҳолда тўғри ҳаракат қилишдир.

Республикамизда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Сейсмология институти, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг кўчки партиялари, «Ўзгидромет» маркази ушбу фавқулодда вазиятлар юз бериш эҳтимоли мавжуд бўлган зоналарни аниқлаш, хавфли ҳудудлар харитасини тайёрлаш, атроф муҳитни кузатиш ишлари билан шуғулланса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолига ушбу фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганида ва юз берганида тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатиш ишларини амалга оширади.

Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари ва мутахассисларининг асосий вазифаларидан бири эса республикамизнинг хавфли ҳудудларида ушбу қарор талабларига сўзсиз амал қилинишини таъминлашдан иборат.

Фавқулодда вазиятларни ўрганиб чиқиб, барча табиий фавқулодда вазиятлар айрим умумий қонуниятларга бўйсинади, деган хулосага бориш мумкин:

1. Ҳар бир фавқулодда вазият учун аниқ бир ҳудуд хос.
2. Хавфли табиий ҳодисанинг кучи (қуввати) қанчалик катта бўлса, у шунчалик кам рўй беради.
3. Ҳар бир табиий офатнинг ўзига хос белгилари (даракчилари) мавжуд.
4. У ёки бу фавқулодда вазият қанчалик қутилмаганда рўй бермасин, уни башорат қилиш мумкин.
5. Кўпгина ҳолларда табиий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг фаол ва нофаол усулларини олдиндан кўриш мумкин.

Табиий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун унинг сабаблари ва механизмларини ўрганиб чиқиш зарур. Табиий хавфли ҳодисаларни ўз вақтида ва аниқ прогноз қилиш аҳоли ва ҳудудларни улардан самарали муҳофаза қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

### **3. Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар**

#### **Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар:**

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.
2. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар.
3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

XXI аср экологик хавф-хатар асри, дейиш мумкин. Бугунги кунда инсон ўзининг иқтисодий қувватини юқори даражаларга кўтариш, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ яшаш илинжида қудратли техник воситалар ёрдамида табиий бойликларни тобора кўпроқ ўзлаштириш руҳияти билан

яшамокда. Бу албатта, цивилизация ривожининг зарур омилларидан биридир. Аммо бу сиёсатни тўғри юргизиш учун ҳаётда ҳукм сурадиган экологик қонуниятларни билиш ва унғ амал қилиш лозим. Акс ҳолда экологик танглик юз бериб, цивилизация инқирозини келтириб чиқариши муқаррар.

Сайёрамизда турли ёқилғилардан фойдаланиш сабабли йилига бир неча миллиард тонна кислород сарф бўлмоқда, Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ва чучук сувларнинг аксарият қисми ўзлаштирилиб, фойдаланилмоқда. Ўрмонлар эгалланган майдонлар йилдан-йилга камайиб, чўл зоналарининг майдони ортмоқда, ҳаво ҳарорати йилдан-йилга кўтарилмоқда. Шунингдек, дунё аҳолиси йил сайин ўсиб, табиий захиралардан хўжалик мақсадларида янада кўпроқ фойдаланишга тўғри келмоқда. Бундан ташқари, техниканинг, саноат корхоналарининг ривожланиши ҳам атроф-табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли касалликлар келиб чиқмоқда.

БМТ ўзининг глобал экологик маълумотига қуйидагиларни энг жиддий масала деб қайд этади:

1. Чучук сув етишмаслиги (қишлоқ хўжалигида 63%, саноатда 23%, турмушда 8%).

2. Дунё океанларининг ифлосланиши.

3. Орол денгизининг қуриши.

4. Ҳавонинг ифлосланиши (айниқса, катта шаҳарларда).

5. Ўрмонларнинг камайиши (бир йилда 16,8млн гектар ўрмонлар кесилмоқда).

6. Тупроқ эрозияси (дунёдаги ана шундай 15% ерни қайта тиклаб бўлмади).

7. Табиий офатлар (сув тошқини, зилзила, қурғоқчилик).

Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари. Бино ва иншоотларини лойиҳалаш қуриш ва фойдаланиш талаблари.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорида фавқулодда вазиятларнинг таснифи келтирилган?

2.. Геологик хавфли ҳодисалар, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар қайси фавқулодда вазиятлар турига киради.

3. Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби қайси ҳужжатда кўрсатилган?

4. Авариялар ва унга сабабчи бўлган омиллар нималардан иборат?

5. КТЗМ таъсиридаги аварияларда фуқаролар муҳофазасининг хатти-ҳаракатларини тушунтиринг.

6. Фожеалар содир бўладиган тармоқлар ва уларнинг оқибатлари қандай бўлади?

7.. «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999

й.)ЎЗР қонунининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида».
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни: «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида».
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори (ПҚ-585-сонли, 19.02.2007).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
  - а) Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида (455-сонли, 27.10.1998);
5. Безопасность жизнедеятельности. Учебник/Под ред. Проф. Э.А. Арустамова. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательский Дом «Дашков и К<sup>0</sup>», 2001. – 678 с.
6. Денисов В.В., Денисова И.А., Гутенев В.В., Монтвилл О.И. Безопасность жизнедеятельности. Учебное пособие. – М.: ИКЦ «МарТ», Ростов на Дону: Издательский центр «МарТ», 2003. – 608 с.
7. Детская энциклопедия. 3-е изд. Изд-во «Педагогика». М., 1971 г.
8. Нурхўжаев А., Хикматуллаев С. Табиий офатлар: ҳосил бўлиши, таснифи, аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш қоидалари. Т., 2004. 84 б.
9. Флейшман С.М. Сели. Гидрометеоздат, 2-е изд, перераб. и доп. Л., 1978. 312 с.
10. Курбонов Б., Ортиқов А. Сел ва кўчкилардан сақланиш. – «Муҳофаза+» журнали, 5-сон, 2007. 3-4-бетлар.

### **Мавзу 7: Мухандислик техник тадбирларини ташкил этиш**

#### **Режа:**

- 1.Фуқаро муҳофазаси муҳандистик-техник тадбирларини лойиҳалаштириш меъёрларининг вазифалари ва талаблари
- 2.Мухандислик муҳофазасининг меъерий хужжатлари.

**Таянч сўзлар:** ҳудуд, муҳандислик-техник, геологик, гидрогеологик, сейсмик фаол, барқарорлик, аҳоли хавфсизлиги, иқтисодиёт объектлари, бино ва иншоотлар, қурилиш меъёрлари, лойиҳалаш, ҳалокат, табиий талофатлар, ҳудуд, муҳофаза иншоотлари.

Республикамизнинг катта қисми сейсмик фаол ҳудудга жойлашиб, ўзига хос геологик, гидрогеологик ва иқлим хусусиятларига эга. Шу омилларнинг

Ўзигина бинокорликда лойиҳаларнинг мукамаллигини, қурилишнинг ишончли ва сифатли бажарилишини, аҳолининг хавфсизлигини ҳамда иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида эксплуатациядаги бино ва иншоотларни техник ҳолатини меъёрий даражада сақлашдек муҳим масалаларни қўяди.

И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик кафолатлари» китобининг «**экологик муаммолар**» қисмида жумладан шундай деган - «шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур».

Бугунги кунда иккита масалага, биринчидан шаҳардами, қишлоқдами, саноат биносими ёки тураржой биносими қурилаётган бино ва иншоотларимизни уларнинг катта кичиклиги ёки аҳамиятидан қатъий назар назорат остида бўлишига эришиш, иккинчи масала эса, мавжуд қурилиш фондимизни хавфсиз сақлаш мақсадида уларни техник ҳолатини баҳолаб туриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари, қурилиш меъёрий қоидалари-93 (ФМ МТТ ҚМҚ- 93)да баён этилган талаблар иқтисодиёт объектлари, аҳоли яшаш жойларида, муҳандислик тизимлари ва ҳ.к. режалаштирилиши ва жойлаштирилишида бажарилиши лозимлиги, натижада фалокат, ҳалокат ва табиий талофатлар содир этган фавқулодда вазиятдан иқтисодиёт объектлари, аҳоли яшаш жойларида, муҳандислик тизимлари муҳофаза қилинишини, шунингдек уларнинг фавқулодда вазиятларда барқарор ишлашини таъминланиши демакдир.

ФМ МТТ ҚМҚ-93нинг вазифалари ва талаблари ЎР Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифаларига, хусусан мамлакат аҳолиси, ҳудуди, республика миллий бойлиги бўлган объектларни муҳофаза қилиш, шунингдек ФВ олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш соҳасидаги тадбирларни ЎР ҳудудида ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга оширишдаги вазифаларига батамом мос келади.

ФМ МТТ меъёрларининг ҳамма талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади :

1. Аҳолини муҳофаза қилиш.
2. ФВ келтирадиган зарарни камайтириш.
3. Иқтисодиёт объектлари, бирлашмалар, иқтисодиёт тармоқлари ишлаши барқарорлигини ошириш.
4. Табиий офат зоналарида (жойларида) қутқариш ишлари ўтказиш учун керакли шароит яратиш.

Ушбу меъёрларнинг хусусан қуйидаги талаблари Ўзбекистон ҳудудида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаш ва ўтказишда бажарилиши керак:

-Иморат ва иншоотларни лойиҳалашда ҚМҚ 2. 01.03.-96 -«Зилзилавий ҳудудларда иморат ва иншоотларнинг қурилиши» ҳамда ҚМҚ 2.01.09.-97- «Ўта чўкувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар» талабларига риоя қилиниши;

-Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларининг ҳажми ва мазмуни фуқаро муҳофазасидаги шаҳарларнинг гуруҳларига ва иқтисодиёт объектларининг тоифаларига қараб, ишлаб чиқаришдаги эҳтимоли бор йирик авариялар, ҳалокатлар ҳамда табиий офатлар кўламини ҳисобга олиб белгиланади.

-Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари олдиндан ишлаб чиқилиши ва ўтказилиши керак. Харақтери жиҳатдан олдиндан амалга ошириш иложи бўлмаган тадбирлар махсус вақтда мумкин қадар қисқа муддатда ўтказилиши керак.

Иқтисодиёт тез ривож топишида республика ҳудудида саноат бўлиб-бўлиб жойлаштирилишининг аҳамияти катта бўлиб, бу ФВдан муҳофаза қилишни ташкил этишда яхши таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт объектларини бўлиб-бўлиб жойлаштириш ишлаб чиқариш сийрак жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда саноат зичлиги юқори жойларда янги иқтисодиёт объектлари қурилишини чеклаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Шаҳарларни фуқаро муҳофазаси талабларини ҳисобга олиб режалаштириш вайронликлар эҳтимолини, натижада одамлар талофатини камайтиришга ёрдам беради. Меъёрларда баён этилган Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари янги туманлар қуришда, эскиларини қайта таъмирлашда ҳисобга олиниши керак.

ФМда МТТ асосан қуйидаги ҳолларда ҳисобга олинади;

а) ЎР иқтисодий районларида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда тарқатиб қўйиш чизмасини тузаётганда;

б) саноат тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш чизмасини тузаётганда;

в) туман режалаштирилиши чизмасини ва лойиҳасини тузаётганда;

г) шаҳарлар ва кишлоқларни режалаш ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда;

д) шаҳарлар (туманлар)даги саноат зоналарини режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда;

е) корхоналарда муҳофаза иншоотлари бўладиган иморат ва иншоотларни лойиҳалашда.

Ишлаб чиқилган тадбирларнинг ҳажми ва ўтказиш муддатлари ЎР иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши режасида белгилаб қўйилади.

Янгидан лойиҳаланаётган, кенгайтирилаётган, қайта таъмирланаётган аҳоли пунктлари, корхоналар, иморат ва иншоотлар учун, шунингдек техник қайта жиҳозланаётган корхона ва иншоотлар учун фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ

ҳаражатларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг махсус даврда бажариладиган тадбирлар (ишлар) ҳаражатидан ташқари қисмини алоҳида иморатлар ва иншоотлар сметасига ҳамда саноат ва турар жой фуқаро қурилиши йиғма сметасининг умумий ҳаражатлар суммасига ва тегишли бобларига киритиш керак.

Шаҳар ва кишлоқларда, шунингдек ишлаб турган, қуриб битказилган ва қайта таъмирланмайдиган корхоналарда фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари ўша шаҳар ва кишлоқларни режалаштириш ва қуришнинг, корхона, иморат ва иншоотларининг лойиҳалари (ишчи лойиҳалари) учун маҳаллий ҳокимликларнинг ФМ бошқармалари билан албатта келишилган ҳолда, ЎР Архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси тасдиқлаган ФМ МТТнинг алоҳида ишлаб чиқиладиган бўлимларига асосан бажарилиши керак.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари назарда тутилмай тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қурилаётган корхоналар учун шу корхоналарнинг ЎР Архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси белгилаб қўйган тартибда тасдиқланадиган сметаси бор лойиҳаларида (ишчи лойиҳаларида) ФМ МТТ алоҳида бўлими ишлаб чиқилиши керак.

Кимёвий хавфли объектларга туташ, чегараси ичида КТЭЗМ солинган идишлар бузилиб қолса, бу моддалар муҳофазаланмаган кишиларни шикастлашга олиб келадиган концентрацияда тарқалиши эҳтимоли бўлган ҳудуд ва **эҳтимоли бўлган кимёвий заҳарланиш зонасини** ташкил этади.

Чегараси ичида сув босиш натижасида одамлар оммавий талофати эҳтимоли бўлган, иморат ва иншоотлар вайрон бўлиши, бошқа моддий бойликлар шикастланиши ва яқсон бўлиши мумкин бўлган ҳудуд **эҳтимоли бўлган ҳалокатли сув босиш зонасини** ташкил этади.

Эҳтимол бўлган вайронликлар, хавфли кимёвий заҳарланиш, ҳалокатли сув босиш зоналаридан ташқаридаги, шунингдек эҳтимоли бўлган радиоактив заҳарланиш (ифлосланиш) зонасидан ташқаридаги ҳамда маҳаллий ва эвакуация қилинган аҳоли ҳаётининг фаолияти учун яроқли, республика давлат чегараси, вилоят ва туман чегараси ичидаги ҳудуд **шаҳардан ташқари зонани** ташкил этади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва объектларида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаш ҚМҚ талабларига ҳамда вазирликлар, идоралар, Давлат қўмиталари Ўздавархитектқурилиш, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилиб ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

ФМ ҳамма МТТнинг моҳияти, асосан йирик шаҳарлардаги саноат ва аҳоли зичлигини чеклашга, аҳолини муҳофаза қилишга, моддий ресурслар сақланишига бориб тақалади. Бунинг эса ана шу шаҳар ва объектларни ФВ дан муҳофаза қилишга вақтида тайёрлаб қўйиш учун муҳим аҳамияти бор.

Таҷрибада кўрсатишича, ФМ МТТ қурилиш лойиҳаланаётганда назарда тутилса ва жорий этилса, шундагина улар самарали ва иқтисодий мақбул

бўлади. Чунки шунда моддий ресурслардан, молия харажатларидан самарали фойдаланишга, шунингдек ўтказиладиган ФМ тадбирларининг халқ хўжалиги вазибалари билан узвий боғланиб боришига эришилади.

Аҳолини муҳофаза қилиш масаласи Конституциямизда қолаверса, ФМ бўйича қабул қилинган барча қонун ва қарорларда биринчи ўринга қўйилган. Шулардан бири 1993 йил қабул қилинган ФМ МТТ ҚМҚ бўлиб, 10 боб ва 3 та иловадан иборат.

1. Умумий қоидалар;
2. Муҳандислик муҳофаза иншоотлари;
3. Шаҳар ва объектларни режалаштириш ва жойлаштириш;
4. Корхоналар ва муҳандислик тизимлари;
5. Электр таъминоти ва гидротехника иншоотлари;
6. Алоқа;
7. Транспорт йўллари;
8. Қишлоқ хўжалик чорва моллари ва ўсимликларни муҳофаза қилиш;
9. Ёруғлик маскировкаси;
10. Маиший хизмат объектларини лойиҳалаш.

Иловалар.

1. Кучли таъсир қилувчи захарли моддалар билан кимёвий захарланган ҳудудларни тозалаш.

2. Кимёвий захарланиш ҳудудини ташкил қиладиган кучли таъсир қилувчи захарли моддаларнинг асосий группалари.

3. Иншоотларнинг бузилишидан ҳосил бўладиган вайроналик ҳудудлари.

Бу меъёрий қоидалардан ташқари қурилишлар соҳасида 150 тадан ортиқ ҚМҚ турли тармоқ, объектларнинг қурилиши бўйича қабул қилинган. Масалан;

1. ҚМҚ 2.01.03.-96 “Зилзилавий ҳудудларда бино ва иншоотларни қурилиши”.

2. ҚМҚ 2.01.09.- «Ўта чўкувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар».

3. ҚМҚ 2.09.12.-98 “Омборхона бинолари”.

4. ҚМҚ 2.08.03-98 “Шифо масканлари мажмуаси”.

5. ҚМҚ 2.09.04.-98 “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари”.

6. ҚМҚ 2.04.01.-98 “Биноларнинг ички сув тармоқлари ва канализацияси”.

7. ҚМҚ 2.09.06.-98 “Ёғоч материаллари омборлари”.

ФМ МТТнинг моҳияти йирик шаҳарларда саноат ва аҳоли зичлигини чеклашга, аҳолини ва ҳудудни муҳофаза қилишга, моддий ресурсларни сақланишига, иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодиёт объектлари барқарор ишлашини оширишга қаратилган..

### **Назорат саволлари :**

1. Муҳандислик-техник тадбирларига нималар қиради?

2.Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларига қандай талаблар қўйилади?

3.Табиий фавқулодда вазиятлардан етиши мумкин бўлган зарарни камайтириш учун қандай ишлар амалга оширилади?

4.Техноген фавқулодда вазиятлардан етиши мумкин бўлган зарарни камайтириш учун қандай ишлар амалга оширилади?

5. Муҳофаза иншоотларига нималар киради?

6. Муҳофаза иншоотлари сиғимига кўра қайси турларга бўлинади?

Адабиётлар:

1.Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (I ва II томлар). Т.: Адолат. 2012й.

2. М.Тожиёв, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув қўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

3.Нигматов И., Тожиёв М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик (лотин имлосида) -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

4.Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

5.Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

6. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г

7.«Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

#### **Интернет маълумотлари:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3.Ахборот-коммуникатсия технологиялари изохли луг'ати, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4.Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5.Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7.[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10.[www.cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-амалий машғулот:

#### **ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

##### **Ишдан мақсад :**

- ФВ дан муҳофаза қилиш режаларига қўйиладиган талаблар ва уларни ишлаб чиқиш усулларини ўрганиш
- Фуқароларни муҳофаза қилиш режаларининг асосий принципларини ўрганиш.

ФВдан аҳолини муҳофаза қилиш режаларининг асосий принципларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш :

1. Давлат органлари, вазирлик раҳбарияти ва иқтисодиёт тармоқлари объектлари раҳбариятининг мажбуриятлари.
2. Мамлакатнинг ҳар бир бурчагида, аҳоли яшаш жойларида, иқтисодиёт тармоқларида, фуқароларни сақлашнинг омилларини олдиндан режалаштириш.
3. Ҳар бир жойнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар муҳофазасини режалаштириш ва амалга ошириш.
4. Фавқулодда вазиятларда муҳофаза иншоотларидан фойдаланиш тартиб қоидалари.

### 2-амалий машғулот:

#### **Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари**

##### **Ишдан мақсад :**

- Табиий офатлар юз берганда олиб бориладиган қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишни ўрганиш
- Зилзила оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил этишни ўрганиш
- Сув тошқини, кўчки ва сел офати оқибатларини бартараф этиш тадбирларини ўрганиш
- Авария ва халокат оқибатларини бартараф этиш қоидаларини ўрганиш

Табиий офатлар юз берганда олиб бориладиган қутқарув ва тиклов ишлари ўтказиш тартиблари. Зилзила, сув тошқини, кўчки ва сел офати оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил этишни ўзига хос хусусиятлари. Авария ва халокат оқибатларини бартараф этиш қоидалари. Трансчегаравий даражадаги фавқулодда вазиятларни колдини олиш. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўтказиладиган чора-тадбирлар, жумладан, инсонларнинг соғлиғини ва ҳаётини сақлаш, атроф-муҳитга етказиладиган зарар ва моддий йўқотишлар миқдорини камайтириш, ҳудудларни ҳалқага олиш, хавф хусусида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш,

иқтисодёт тармоқларининг барқарор ишлашени таъминлаш, юзага келадиган хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмас тиклов ишларининг мажмуаси.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Муҳандислик техник тадбирларини ташкил этиш**

##### **Ишдан мақсад:**

- Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини оширишнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш.

- Иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашени ошириш муаммолари юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни ўрганиш.

- Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини ошириш услублари ва баҳолашени ўрганиш.

Барқарорликни баҳолашда қуйидаги маълумотларнинг мазмун моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади:

- объектнинг ФВ шароитидаги ҳолати;
- объектнинг ишчи кучи, техникаси, энергия манбалари, хомашёси ва бошқа захиралар билан таъминланганлиги;
- объектнинг иқтисодий кўрсаткичлари;
- табiiй ва техноген фавқулодда вазиятларда эҳтимолий талофати ва олдини олиш, зарар қўламини камайтириш.

## **IV. АМАЛИЙ МАШЎУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

##### **Ишдан мақсад :**

- ФВ дан муҳофаза қилиш режаларига қўйиладиган талаблар ва уларни ишлаб чиқиш усулларини ўрганиш

- Фуқароларни муҳофаза қилиш режаларининг асосий принципларини ўрганиш.

ФВдан аҳолини муҳофаза қилиш режаларининг асосий принципларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш :

1. Давлат органлари, вазирлик раҳбарияти ва иқтисодиёт тармоқлари объектлари раҳбариятининг мажбуриятлари.

2. Мамлакатнинг ҳар бир бурчагида, аҳоли яшаш жойларида, иқтисодиёт тармоқларида, фуқароларни сақлашнинг омилларини олдиндан режалаштириш.

3. Ҳар бир жойнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар муҳофазасини режалаштириш ва амалга ошириш.

4. Фавқулдда вазиятларда муҳофаза иншоотларидан фойдаланиш тартиб қоидалари.

## **2-амалий машғулот:**

**Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари**

**Ишдан мақсад :**

**Ишдан мақсад :**

-Табиий офатлар юз берганда олиб бориладиган қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишни ўрганиш

-Зилзила оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил этишни ўрганиш

-Сув тошқини, кўчки ва сел офати оқибатларини бартараф этиш тадбирларини ўрганиш

-Авария ва халокат оқибатларини бартараф этиш қоидаларини ўрганиш

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

- Табиий офатлар юз берганда олиб бориладиган қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишнинг умумий томонларини ўрганиш;

- Зилзила оқибатларини бартараф этишдаги қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишнинг хусусиятларини ўрганиш;

- Сув тошқини, кўчки ва сел офати оқибатларини бартараф этиш тадбирларини ўрганиш ишларини ташкил этишни ўрганиш

- Авария ва халокат оқибатларини бартараф этишдаги қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- ФВ ларда фуқароларни 5 та асосий ҳимоя қилиш усулларини эгаллашга ўргатиш;

- Табиий офатлар юз берганда олиб бориладиган кечиктириб бўлмайдиган тиклов ишлари ўтказишн ўрганиш;

- Тегишлича билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга доир масала ва машқларни бажаришга ўргатиш

## **3-амалий машғулот:**

**Муҳандислик техник тадбирларини ташкил этиш**

**Ишдан мақсад:**

- Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини оширишнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш.

- Иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини ошириш муаммолари юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни ўрганиш.

- Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини ошириш услублари ва баҳоланишини ўрганиш.

Барқарорликни баҳолашда қуйидаги маълумотларнинг мазмун моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади:

- объектнинг ФВ шароитидаги ҳолати;
- объектнинг ишчи кучи, техникаси, энергия манбалари, хомашёси ва бошқа захиралар билан таъминланганлиги;
- объектнинг иқтисодий кўрсаткичлари;
- табiiй ва техноген фавқулодда вазиятларда эҳтимолий талофати ва олдини олиш, зарар кўламини камайтириш.
- ФВ да фуқароларни ҳимоя қилиш усулларини ўрганиш;
- Фавқулодда вазиятларда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

- ФВ да фуқароларни 5 та асосий ҳимоя қилиш усулларини эгаллашга ўргатиш;
- Огоҳлантириш тўғрисида матн тузишга ўргатиш;
- ФВ да фуқароларни ўз ўзини ҳимоя қилишга, тегишли тартибда ҳатти ҳаракатга ўргатиш;
- ФВ да фуқароларни ҳимоя иншоотларида сақланишга, оддий ва тез куриладиган панажойларни куришга ўргатиш ;
- ФВ да фуқароларни хавфсиз худудга ҳаракатланишга ўргатиш ;
- ФВ да фуқароларни тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишга ўргатиш.
- Билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга доир масала ва машқларни бажаришга ўргатиш

### Топшириқ намунаси

**1-Топшириқ: Берилган топшириқ вариантлари бўйича ФВ юзага келганда фуқароларни қандай ҳимоя воситалари ва усуллари билан ҳимоялаш зарурлигини таҳлил қилинг:**

| ФВ турлари  | Вариантлар |      |      |      |       |      |      |      |      |       |
|---|------------|------|------|------|-------|------|------|------|------|-------|
|   | 1,20       | 2,19 | 3,18 | 4,17 | 5,16, | 6,15 | 7,14 | 8,13 | 9,12 | 10,11 |
| Фуқароларни ФВ хусусида огоҳлантириш (матн тузиш) | X          |      |      |      |       |      |      |      |      |       |
| Фуқароларни ҳимоя иншоотларида сақлаш қоидалари.  |            | X    |      |      |       |      |      |      |      |       |
| Аҳолини хавфсиз                                   |            |      | X    |      |       |      |      |      |      | X     |

|  |  |  |  |          |          |          |          |          |          |  |
|--|--|--|--|----------|----------|----------|----------|----------|----------|--|
| худудларга<br>эвакуация қилиш<br>тартиби ва<br>қоидалари   |  |  |  |          |          |          |          |          |          |  |
| Шахсий<br>сақловчи<br>воситалар<br>қандай<br>ҳолатларда<br>қўлланилади   |  |  |  | <b>X</b> |          |          |          |          | <b>X</b> |  |
| Терини<br>ҳимоя қилувчи<br>воситаларнинг<br>қўлланилиши,<br>турлари,<br>хусусиятлари ва<br>уларга<br>қўйиладиган<br>талаблар |  |  |  |          | <b>X</b> |          |          | <b>X</b> |          |  |
| Шахсий<br>дорихона (ШД 2)<br>нинг тузилиши<br>ва қўлланилиши   |  |  |  |          |          | <b>X</b> | <b>X</b> |          |          |  |

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Оммавий қирғин қуроллари таъсиридан ҳимояланиш.

2. Табиий офат оқибатларига қарши чора-тадбирларни ўрганиш.

3. Радиациявий ва кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш қоидалари.

4. Радиация дозасини аниқлаш.

5. Фуқароларни ҳимоя қилиш услубиётларини ўрганиш.

6. Фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш ва ошириш.

7. Фавқулодда вазиятларда шикастланган ўчоқларда қутқарув ва бирламчи тиклов ишларини ташкил этиш.

8. Фуқароларни ҳимоя қилишда шахсий сақловчи воситалар қўлланишини ўрганиш.

9. КТЗМ қўлланиладиган объектлардаги аварияларда кимёвий ҳолатни баҳолаш.

10. Ҳаводаги захарли моддаларни аниқлаш.

11. Тупроқ ва сочилувчи материалларда захарли моддаларни аниқлаш.

12. Жойларда, кийимларда ва ҳар хил предметларда захарли моддаларни аниқлаш.

13. Иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини оширишда муҳандислик ҳолатини баҳолаш.

14. ФВ ларда бирламчи тиббий ёрдам беришни амалий жиҳатларини ўрганиш.

15. Табиий офатлар оқибатида юзага келадиган талофат очоқлари хусусиятларини ўрганиш.

16. Ёнғин офатига қарши тизимлар ва уларда олиб борадиган тадбирларини ўрганиш.

17.Фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий асослари: -“Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги ФВлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни мазмун моҳияти

18.“Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги ЎзР Қонуни мазмун моҳияти

19.ФМ стандартлари.Табиий тусдаги ФВлар.

20.ФМ стандартлари.Техноген тусдаги ФВлар.

21.Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда муҳандислик – техник тадбирлари.

22.Халқаро терроризмга қарши кураш муаммолари ва бу борада Ўзбекистоннинг тутган ўрни.

23.Фуқаро муҳофазаси борасида халқаро ҳамкорлик.

24.Иқлим ўзгариши муаммолари ва унга қаратилаётган чоралар.

25.Сув танқислиги ва қурғоқчилик муаммолари.

26.Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммолар ва унинг атрофини жонлантиришга қаратилаётган чоралар.

27.Гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.

28.ФВДТ ни янада такомиллаштиришга қаратилаётган чоралар.

29.Транспортлардаги аварияларни олдини олишга қаратилаётган чоралар .

30.Экологик ФВлар олдини олишга қаратилаётган чоралар.

31.ФВларни олдини олиш ва унга қарши курашда хавфсизлик ва экологик маданиятнинг ўрни.

## VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин   | Ўзбек тилидаги шарҳи                                      | Инглиз тилидаги шарҳи  |
|----------|---|--|
| Apk file | андرويد илованинг ўрнатиладиган файли                     | Android application package file. Each Android application is compiled and packaged in a single file that includes all of the application's code (.dex files), resources, assets, and manifest file. |
| Action   | иловада Intent орқали жўнатилувчи хабар                   | A description of something that an Intent sender wants done. An action is a string value assigned to an Intent.  |
| Intent   | иловада ойналар/activity бўйлаб жўнатилувчи хабар объекти | An message object that you can use to launch or communicate with other applications/activities asynchronously.   |

|                                |  |  |
|--------------------------------|--|--|
| Intent Filter                  | манифест файлида<br>ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИГАН ИНТЕНТ<br>ОБЪЕКТИНИ ФИЛТРЛОВЧИ<br>ОБЪЕКТ   | A filter object that an application declares in its manifest file, to tell the system what types of Intents each of its components is willing to accept and with what criteria.                                      |
| Activity                       | илованинг биронта ойнаси<br>(интерфейс) бошқарувчи<br>Java файл                  | A single screen in an application, with supporting Java code, derived from the <a href="#">Activity</a> class.   |
| adb (Android Debug Bridge)     | SDK орқали иловани<br>ишлатувчи дастур<br>(debugger)                             | Android Debug Bridge, a command-line debugging application included with the SDK.  |
| SDK (Software Development Kit) | андرويد учун кутубхона   | A set of tools that can be used to develop software applications targeting a specific platform such as Facebook or Chartboost. For example, the Facebook SDK allows developers to add Facebook features into an app. |
| JDK (Java Development Kit)     | Java дастурлаш тили<br>учун кутубхона  | The Java Development Kit (JDK) is a software development environment used for developing Java applications and applets.  |
| Application                    | бу ишлаб чиқилган илова  | From a component perspective, an Android application consists of one or more activities, services, listeners, and intent receivers.  |
| Canvas                         | иловада чизилган ёки<br>юклаб олинган тасвир                                     | A drawing surface that handles compositing of the actual bits against a Bitmap or Surface object.  |
| Dalvik                         | андرويد платформасининг<br>виртуал машинаси                                      | The Android platform's virtual machine.  |
| DDMS (Dalvik Debug Monitor)    | SDK орқали илова<br>ҳолатини график<br>интерфейси орқали<br>бошқариш учун дастур | Dalvik Debug Monitor Service, a GUI debugging application included with the SDK.   |

|                       |  |  |
|-----------------------|--|--|
| Service)              | (debugger)   |  |
| Dialog                | фойдаланувчи<br>интерфейс учун мулоқот<br>ойнаси   | A floating window that<br>acts as a lightweight form.  |
| Drawable              | илованинг визуал<br>ресурслари сақланувчи<br>папка   | A compiled visual<br>resource that can be used as a<br>background, title, or other part of<br>the screen.  |
| Broadcast<br>Receiver | иловага кириб келаётган<br>ёки ундан жўнатилаётган<br>интент объектини<br>бошқарувчи илова синфи                                       | An application class that<br>listens for Intents that are<br>broadcast, rather than being sent<br>to a single target<br>application/activity.  |
| Layout<br>Resource    | Илова ойналарининг<br>кўринишларини сақловчи<br>XML файл   | An XML file that<br>describes the layout of an<br>Activity screen.   |
| Manifest File         | Илова учун керакли барча<br>маълумотларни сақловчи<br>XML файл (мисол учун,<br>илова номи, интент<br>филтрлар, интернетга<br>боғланиш) | An XML file that each<br>application must define, to<br>describe the application's<br>package name, version,<br>components (activities, intent<br>filters, services), imported<br>libraries, and describes the<br>various activities, and so on. |
| Resources             | илова учун керакли<br>бўлган ресурслар (расм,<br>аудио, видео ва бошқа<br>файллар)   | Nonprogrammatic<br>application components that are<br>external to the compiled<br>application code, but which can<br>be loaded from application code<br>using a well-known reference<br>format.  |
| Service               | иловаорти хизматлар<br>яратиш учун синф  | An object of<br>class <a href="#">Service</a> that runs in the<br>background (without any UI<br>presence) to perform various<br>persistent actions, such as<br>playing music or monitoring<br>network activity.                                  |
| Surface               | Canvas объектини<br>бошқариш учун объект<br>типи   | An object of<br>type <a href="#">Surface</a> representing a block<br>of memory that gets composited  |

|               |  |  |
|---------------|--|--|
|               |  | to the screen.   |
| SurfaceView   | Canvas объектини бошқариш учун динамик объект  | A View object that wraps a Surface for drawing, and exposes methods to specify its size and format dynamically.  |
| View          | илова интерфейсида фойдаланиладиган компонентлар (button, checkbox, listview, gallery ва бошқалар) | An object that draws to a rectangular area on the screen and handles click, keystroke, and other interaction events.   |
| Viewgroup     | илова интерфейсида фойдаланиладиган компонентлар гуруҳи ёки жамланмаси                             | A container object that groups a set of child Views.   |
| Widget        | илова интерфейсида фойдаланиладиган компонентлардан фойдаланиб ишлаб чиқилган график компонент     | One of a set of fully implemented View subclasses that render form elements and other UI components, such as a text box or popup menu.   |
| Window        | иловани интерфейсларини яратиш учун абстракт синф  | In an Android application, an object derived from the abstract class <a href="#">Window</a> that specifies the elements of a generic window, such as the look and feel (title bar text, location and content of menus, and so on). |
| OpenGL ES     | OpenGL ES кутубхонасидан мураккаб 3D расмларни тузишда фойдаланиш мумкин                           | Android provides OpenGL ES libraries that you can use for fast, complex 3D images.   |
| .dex file     | Компиляция қилинган Android дастури коди файли   | Compiled Android application code file.  |
| Source code   | Бу бошқа ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш мумкин бўлган framework ҳисобланади                      | It's a framework that you can buy from other developers and on marketplaces.   |
| Universal app | Телефон қурилмаларида ҳам планшет қурилмаларида  | A single app that can run on both phone and tablet devices.  |

|                       |   |   |
|-----------------------|---|---|
|                       | хам ишлайдиган илова                          |   |
| GUI                   | Фойдаланувчи график интерфейси                | Graphic User Interface.                                   |
| IDE                   | Қурилган ривожланиш муҳити                    | Integrated Development Environment.                       |
| OS (Operating System) | Операцион тизим. Қурилмадаги энг муҳим дастур | Operating System. The most important program on a device. |

## Изоҳли луғат

**Қутқарувчи** – муайян дастур бўйича қутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

**Қутқарув хизмати** – фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

**Фуқаро муҳофазаси** - ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларни, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими.

**Фавқулодда вазият** - одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.

**Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш** - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** - олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

**Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** - фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини

сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

**Муҳандислик муҳофазаси** - Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилишга, мамлакат иқтисодиётига етадиган зарарни камайтиришга қаратилган фуқаро муҳофазаси муҳандислик техник чора тадбирларининг мажмуасидир.

**Терроризм** – мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол–мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон–бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қутқаришга, ижтимоий сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар.

**Террорчи** – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.

**Террорчилик гуруҳи** – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи.

**Террорчилик ташкилоти** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви.

**Иқтисод** – инсон фаолиятининг одамлар ўз ихтиёрларидаги кўпинча чекланган рурсурлардан фойдаланиб, ўз моддий эҳтиёжларини қондирадиган бойликларни яратадиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган соҳа.

**Лицензия** – фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқини, шунингдек кашфиёт ёки бошқа техник ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб қўйилган тартибда бериладиган рухсат.

**Хавфсизлик** – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда хавф-хатарлардан муҳофазаланганлик ҳолати.

**Шахсий хавфсизлик** – одамлар, уларнинг мол-мулки, соғлиғи ва ҳаётининг яшаш муҳити, шахснинг шахсий сифатлари, у фодаланадиган шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланга муҳофазаланганлик ҳолати.

**Эвакуация** – хавfli жойдан кўчириш, фавқулодда вазиятлар ҳудудидан одамларни пиёда ёки транспорт ёрдамида олиб чиқиб кетиш.

**Ўт ўчиргич** – ёниш зонасига оловни ўчирувчи модда (карбонат кислота, кимёвий ва ҳаво-механик кўриклар, хладон, куқунлар ва ҳ.к.)ни бериш йўли билан ёнғин ўчоғини ўчириш учун кўчма ёки силжийдиган қурилма. Ў.ў.нинг конструкцияси фойдаланиётган модда ва уни сиқиб чиқариш усулига боғлиқ бўлади. Қўл билан ҳаракатга келтирилади.

**Панажой** – яширинувчиларни оммавий қирғин қуроллари, бактерияли воситалар, хавfli ки мёвий моддалар ва иккиламчи шикастловчи омиллардан ҳимоя қилишни таъминловчи, герметик типдаги чуқурлаштирилган иншоот.

**Портлаш** – оқибатида атроф фазода техноген фавқулодда вазият содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келадиган зарб тўлқини ҳосил бўладиган ва тарқаладиган, чекланган ҳажмдаги катта миқдордаги энергиянинг ажралиб чиқиши ҳамроҳлик қилувчи физик ва кимёвий айланишларнинг тез кечувчи жараёни.

**Ёнғин** – одамлар ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш.

**Гаровга ушлаб турилган шахс** – қўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти бошқарув органларини, халқаро ташкилотларни, шунингдек айрим шахсларни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс.

**Ваҳима, саросима** – (юнонча panikos – афсоналарга кўра одамлар кўнглига босиб бўлмайдиган даҳшат солган қадимги юнон худоси Пан номидан) – ҳақиқий ёки ҳаёлий хавф таъсирида бошланадиган ва кучли саросима, шароитга ақл билан ва тўғри баҳо бериш ҳамда шароитга қараб мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятининг йўқотилиши билан белгиланадиган алоҳида инсон, одамлар гуруҳи ёки омманинг руҳий ҳолати.

**Зилзила** - Ер ички ҳаракатлари натижасида унинг юзасида пайдо бўладиган тебранма ҳаракат.



## Тест саволлари

**1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.1998 йилдаги 455-сонли қарорига мувофиқ табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар қайси гуруҳларга ажратилади?**

А. Геологик хавфли ҳодисалар, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар.

Б. Геологик хавфли ҳодисалар, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар.

В. Қуруқлик ва гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

Г. Гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

**2. Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби қайси ҳужжатда кўрсатилган?**

А. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сонли қарорида.

Б. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли қарорида.

В. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги 208-сонли қарорида.

Г. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги 427-сонли қарорида.

**3. Гидрометеорологик хавфли ҳодисаларга қайси фавқулодда вазият турлари киради?**

А. Сув тошқинлари, сув кўтарилишлари, сел оқимлари, қор кўчкиси, кучли шамол, жала.

Б. Сув тошқинлари, сел, ҳалокатли сув босишлари.

В. Қор кўчкиси, ер кўчкиси, кучли шамоллар.

Г. Цунами, сув тошқинлари, сел ва ҳалокатли сув босишлари.

**4. Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида тайёрлашнинг асосий вазифаларидан бирини кўрсатинг**

А. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қоидалари ва асосий усулларини, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини, жамоа ва якка муҳофаза воситаларидан фойдаланишни ўргатиш.

Б. Малакали шифокор ёрдами кўрсатишни ўргатиш.

В. Қутқарув техникаларини бошқаришни, жамоа ва якка муҳофаза воситаларидан фойдаланишни ўргатиш.

Г. Сейсмик микрорайонлаштиришни ўргатиш.

**5. Тузилмалар шахсий таркибини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби қандай?**

- А. Иш жойида 15 соат ҳажмида, жумладан, барча тузилмалар учун умумий бўлган мавзуларни ўрганиш шарти билан.
- Б. “1050-Қутқарув хизмати” таркибида малака ошириш йўли билан.
- В. Фуқаро муҳофазаси институтида маъруза тинглаш йўли билан.
- Г. Ўқув фильмлари томоша қилиш, радиоэшиттиришлар эшитиш орқали.

**6. Фуқаро муҳофазаси ўқув машқларини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима?**

- А. Фуқаро муҳофазаси режаларини ишлаб чиқишни ўрганиш.
- Б. Фавқулодда вазиятлар тўғрисида тушунчалар бериш.
- В. Қутқарув техникаларини бошқаришни ўргатиш.
- Г. Фуқаро муҳофазаси соҳасида олинган назарий билимларни текшириш ва амалий малакани ошириш.

**7. Стресс нима?**

- А. Инсонни шоду-хуррамликка туширувчи ҳолат.
- Б. Ҳайвон ва инсон организмида турли нохуш омиллар (стрессорлар) таъсирга жавобан юзага келувчи физиологик ҳимоя реакциялари мажмуи.
- В. Хавф-хатарни сезиш, хавфсираш ҳолати.
- Г. Назоратдан чиқиб кетган кўрқув.

**8. Кучли таъсир этувчи захарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича иш бошлашдан аввал нима қилинади?**

- А. Қутқарувчиларга КТЗМ тури ва содир бўлган вазият ҳақида тушунча берилади.
- Б. КТЗМларни яхши билувчи мутахассисларни йиғиб маслаҳат ўтказилади.
- В. Мавжуд барча захарли моддаларни объектдан олиб чиқиб кетиш чоралари қўлланади.
- Г. Юқори ташкилотга КТЗМ тўғрисида маълумот берилади.

**9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ким?**

- А. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири.
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири.
- В. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси.
- Г. Ўзбекистон Республикаси Президенти.

**10. Бирламчи ёнғин ўчириш воситаларига нималар киради?**

- А. Ўт ўчиргичлар.
- Б. Сув насослари.
- В. Ёнғин ўчириш машиналари.
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

**11. Гидротехника иншоотларининг тўлик турларини кўрсатинг?**

- А. Шлюзлар, кўллар, оқава сув чиқариш иншоотлари, булоқлар.
- Б. Денгизлар, бассейнлар, ирмоқлар, суғориш иншоотлари, қувурлар.
- В. Сув-энергетика, сув таъминоти, суғориш иншоотлари, оқава сув чиқариш, сув-транспорт, балиқ ховузлири, спорт, безак иншоотлари.
- Г. Сув энергетика иншоотлари, тўғонлар, безак иншоотлари, кўллар.

**12. Хабар бериш тизими талаблари нимадан иборат?**

- А. Барқарор, тезкор, ўз вақтида бўлиши, ишончли.
- Б. ФВ содир бўлганда тезкор хабар беришни ташкил этиш.
- В. Барқарор, тезкор, ишончли, яширин, ўз вақтида бўлиши.
- Г. Кундалик, фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда, содир бўлганда маълумотлар узатиш.

**13. Хавфсизлик декларацияси қандай объектлар учун мажбурий ҳисобланади?**

- А. Хавfli ишлаб чиқариш объектлари.
- Б. Ёнғин-портлаш объектлари.
- В. Ўқув-таълим муассасалари.
- Г. Қишлоқ хўжалик объектлари.

**14. Қон тўхтатувчи боғлам (жгут) қанча муддатга қўйилади?**

- А. 2 соатга.
- Б. 1,5 соатга.
- В. 2 - 2,5 соатга.
- Г. 1 соатга.

**15. Қайси жавобда газниқобларнинг турлари тўғри кўрсатилган?**

- А. Фильтрловчи, изоляцияловчи.
- Б. Фильтрловчи, ўтказувчи.
- В. Герметик, кичик габаритли.
- Г. Аэрозольга қарши, катта габаритли.

**16. Релаксация нима?**

- А. Жисмоний ёки руҳий зўриқишдан қисман ёки тўла озод бўлиш усули.
- Б. Стрессни кучайтириш усули.
- В. Руҳий зўриқишни бартараф этиш усули.
- Г. Аутотренинг машқларини бажариш усули.

**17. Зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазият ҳудудида жабрланувчиларни қутқариш ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ким томонидан олиб борилади?**

- А. Фавқулодда вазият ҳудудига жалб этилган тиббий ходимлар ва қутқарувчилар томонидан.
- Б. Тиббиёт ходимлари томонидан.

В. Қутқарувчилар томонидан.

Г. Фавқулодда вазият ҳудудига жалб этилган тиббий ходимлар, қутқарувчилар, тузилмалар, ишчи-хизматчилар, талабалар ва аҳоли томонидан.

**18. Панажойларда ичимлик сувининг меъёри 1 суткада неча литр бўлиши керак?**

А. 2 литр.

Б. 3 литр.

В. 4 литр.

Г. 5 литр.

**19. Аҳолига хабар бериш қайси алоқа ва хабар бериш воситалари орқали амалга оширилади?**

А. Симли ва симсиз алоқа воситалари орқали.

Б. Телефон ва уяли телефонлар орқали.

В. Телевидение ва радио каналлари орқали.

Г. Телефон, радиотелефонлар, телевидение ва радиоканаллари орқали.

**20. Хабар бериш тизими талаблари нимадан иборат?**

А. Барқарор, тезкор, ўз вақтида бўлиши, ишончли.

Б. ФВ содир бўлганда тезкор хабар беришни ташкил этиш.

В. Барқарор, тезкор, ишончли, яширин, ўз вақтида бўлиши.

Г. Кундалик, фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда, содир бўлганда маълумотлар узатиш.

**21. Карантин дегани нима?**

А. Юқумли (ўта хавфли юқумли) касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича алоҳидалаш йўли билан эпидемияга қарши ўтказиладиган қатъий чора-тадбирлар мажмуи.

Б. Касаллик тарқалган ҳудуддан чиқишни ва ушбу ҳудудга киришни чеклашга қаратилган тадбирлар мажмуи.

В. Касаллик тарқалган ҳудуддаги барча аҳолини бошқа аҳоли пунктига кўчириш бўйича олиб бориладиган тадбирлар мажмуи.

Г. Дератизация ўтказиш.

**22. “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарори билан белгилаб берилган?**

А. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143- сонли қарори.

Б. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 242-сонли қарори.

В. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги 427- сонли қарори.

Г. ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли қарори.

**23. Эвакуация қилиш бўйича қарор қабул қилишга кимнинг ҳуқуқи бор?**

- А. Эвакуация комиссияси раиси.
- Б. Ҳоким муовини.
- В. Фуқаро муҳофазаси бошлиғи.
- Г. Доимий фавқулодда комиссия раиси.

**24. Ўқув машқини ўтказиш учун қандай ҳужжатлар тайёрланади?**

- А. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи, ўқув машқини тайёрлаш тақвимий режаси, ўқув машқини ўтказиш режаси, ўқув машқи раҳбари ўринбосари ва ёрдамчиларининг режалари, тақлид режаси.
- Б. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи, ўқув машқини тайёрлаш ва ўтказиш режалари, тақлид режаси, ўқув гуруҳлари рўйхатини тузиш режаси.
- В. Ўқув машқини тайёрлаш, ўтказиш ва тақлид режалари.
- Г. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи, ўқув машқи раҳбари ўринбосари ва ёрдамчиларининг режалари, ўқув машқини ўтказиш режаси.

**25. Ваҳима нима?**

- А. Ҳайвонот ва инсон организмида турли нохуш омиллар (стрессорлар) таъсирига жавобан юзага келувчи физиологик ҳимоя реакциялари мажмуи.
- Б. Одамлар гуруҳини қамраб олган ва бошқариб бўлмайдиган жараёнга айланган кўрқув ҳисси.
- В. Тасаввурдаги ёки ҳақиқий хавфдан ташвишланиш, қайғуриш.
- Г. Хавф-хатарни доимий сезиш, мунтазам хавотирда юриш.

**26. Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (ФВДТ) маҳаллий даражаси бошқарув органларига қуйидагилардан қайсилари киради?**

- А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимлиги.
- Б. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, объектлар маъмурияти.
- В. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари.
- Г. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси ФВВ ва туманлар ҳокимликлари.

**27. Қайси моддалар буғи энг захарли?**

- А. Хлор.
- Б. Аммиак.
- В. Симоб.
- Г. Углерод икки оксиди.

**28. Символ моддасини заррарсизлантириш нима деб айтилади?**

- А. Дезинфекция.
- Б. Дезактивация.
- В. Демеркуризация.
- Г. Дератизация.

**29. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига кимлар қабул қилинади?**

- А. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар.
- Б. Сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар.
- В. Ўрта ва олий тиббий маълумотли аёллар.
- Г. Ҳарбий билети бор фуқаролар.

**30. Келтирилганлардан қайси бири эвакуация органига киради?**

- А. Эвакуация комиссиялари.
- Б. Эвакуация қабул қилиш комиссиялари.
- В. Қабул қилиш эвакуацион пунктлари.
- Г. Юқорида саналганларни ҳаммаси.

**31. Панажойлар сифими бўйича қандай турларга бўлинади?**

- А. Кичик, ўрта, катта.
- Б. Ўрта.
- В. Жуда катта.
- Г. Кичик, катта.

**32. Сирена хабар бериш сигнали нима маънони англатади?**

- А. “Диққат барчага!”
- Б. “Сув тошқини!”
- В. “Кимёвий заҳарланиш хавфи!”
- Г. “Радиациявий заҳарланиш хавфи!”

**33. Кимёвий хавфли объектда авария содир бўлганда зарарланиш ҳудудида қолдингиз. Ҳудудни қайи йўналишда тарк этиш лозим?**

- А. Шамол йўналиши бўйича.
- Б. Шамол йўналишига қарама-қарши.
- В. Шамол йўналишига перпендикуляр.
- Г. Шамол йўналишига аҳамият берилмайди.

**34. Фуқаро муҳофазаси ўқув машқларининг қандай турлари бор?**

- А. Қўмондон-штаб, тактик-махсус, комплекс ўқув машқлари ва объект машғулоти.
- Б. Қўмондон-штаб, тактик-махсус, фуқаро муҳофазаси кунлари.
- В. Комплекс ўқув машқлари ва объект машғулоти.
- Г. Фуқаро муҳофазаси кунлари, қўмондон-штаб ўқув машқлари.

**35. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

А. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Б. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати.

В. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги.

Г. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги.

**36. Юқумли касалликлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда, ушбу фавқулодда вазият чегарасини аниқлаш ва бу ерда олиб бориладиган тадбирлар ҳажми ким томонидан белгиланади?**

А. Давлат санитар-эпидемиологик назорат марказлари ходимлари – санитар гигиенистлар томонидан.

Б. Ҳокимият томонидан.

В. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан.

Г. Ҳуқуқ тартибот ходимлари томонидан.

**37. Фуқаро муҳофазаси бўйича буйруқ, қарор ва топшириқлар бериш кимнинг ваколатига киради?**

А. Фавқулодда вазиятлар вазири.

Б. Вазирлик ва идоралар раҳбари.

В. Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ваколати доирасида.

Г. ЎР Президенти.

**38. Муҳофаза иншоотларига нималар киради?**

А. Панажой, радиациядан яшириниш жойлари, оддий яшириниш жойлари.

Б. Ертўлалар.

В. Қазиб қўйилган чуқурликлар.

Г. Кон қовламалари.

**39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.1998 йилдаги 455-сонли қарорига мувофиқ экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар қайси гуруҳларга ажратилади?**

А. Қуруқлик, атмосфера ва гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

Б. Қуруқлик, геологик, атмосфера ва гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

В. Қуруқлик ва атмосфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

Г. Гидрометеорологик, қуруқлик ва атмосфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар.

#### **40. Ўқув машқини ўтказиш учун қандай ҳужжатлар тайёрланади?**

А. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи, ўқув машқини тайёрлаш тақвимий режаси, ўқув машқини ўтказиш режаси, ўқув машқи раҳбари ўринбосари ва ёрдамчиларининг режалари, тақлид режаси.

Б. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи, ўқув машқини тайёрлаш ва ўтказиш режалари, тақлид режаси, ўқув гуруҳлари рўйхатини тузиш режаси.

В. Ўқув машқини тайёрлаш, ўтказиш ва тақлид режалари.

Г. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи, ўқув машқи раҳбари ўринбосари ва ёрдамчиларининг режалари, ўқув машқини ўтказиш режаси.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.); «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); қонунлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида» ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида» ги 455- сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув қўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

4. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик (лотин имлосида) -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

5. Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

6. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

7. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков.А., Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г

8. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий», 2008 г.

9. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido Applications for limate, Meteorology, and Civil Protection. 2011.

10. A. Mark , P. Friend James Fundamentals of Occupational Safety and Health. Bernan Press. Германия, 2007 PP-249-250

11. Christer Pursiainen (ed.) assisted by Per Francke. Early Warning and Civil Protection. NORDREGIO 2008

### **Интернет ресурслар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10. [www.cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.Т., «Шарқ», 20 август 1999.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, 20 август 1999 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни, 26 май, 2000 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни. 2006 йил 28 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 585 сонли Қарори, 09.02.07 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг бошқарув органлари, кучлари ва республика аҳолисини тайёрлаш бўйича 2006 йил учун ташкилий кўрсатма. ФВВ, 2006 й.

7. ФМ муҳандистик-техник тадбирлари (МТТ)нинг Қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМК)-1993й. Тошкент ш.

8. ҚМК 2-01.03-96й. «Зилзилавий зоналарда иморат ва иншоотларнинг қурилиши».

9. ҚМК 2-01.09-97й. «Ўта чўқувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар».

11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ва ҳеч қимга қарам бўлмайдди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 128 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Терроризмга қарши кураш тўғрисида». 15.12.2000 й.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т.: «Адолат», 1998.
14. Лутовинов В., Морозов Ю. Терроризм – угроза обществу и каждому человеку. – Ж.: ОБЖ. Основы безопасности жизни. - № 9, 2000. С.40-45.
15. Михайлов Л., Губанов В. Безопасность в ЧС социального характера. Терроризм как социально-политическое явление. – Ж.: ОБЖ. Основы безопасности жизни. - № 11, 2006. С.29-35.
16. Моторный И.Д. Защита гражданских объектов от терроризма. Научно-практическое пособие. - М.: Издательский дом Шумиловой И.И. 2005. – 163 с.
17. Перевощикова В. Терроризм – угроза безопасности России. – Ж.: Гражданская защита. - № 11, 2004. – С.59-63.
18. Романченко Ю. Терроризм: нынешнее состояние и проблемы противодействия. – Ж.: ОБЖ. Основы безопасности жизни. - № 4, 2002. С.28-32.